Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 276 (20. 843) • 1990 йил 2 декабрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

ҚАРДОШ КОМПАРТИЯЛАР СЪЕЗДЛАРИДА

● МИНСК

Белоруссия Компартиясининг жумҳурият пойтахтида ўтаётган XXXI съездида Марказий Қўмитанинг биринчи котиби сайланди. Сайловнинг икки давраси натижасига кўра, тўрт номзоддан бири — илгари Белоруссия Компартияси Минск вилоят қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган А. А. Малофеев сайланди.

● ЕРЕВАН

Арманистон Компартиясининг XXIX съезди партия раҳбарини алмаштириш билан ниҳоясига етди. С. К. Погосян Марказий Қўмитанинг биринчи котиби этиб сайланди.

Жумҳурият коммунистларининг раҳбари 58 ёшда, маълумоти жиҳатдан у тарихчи бўлиб, кўпгина китобларнинг муаллифидир, комсомолда ишлаган, сўнгра телекўрсатув ва радиоэшиттириш, матбуот давлат қўмиталарига, Арманпресс ахборот агентлигига, Ереван шаҳар партия қўмитасига бошчилик қилган.

Съезд ишида КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Қўмитаси котиби О. С. Шенин қатнашди.

(ТАСС).

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг ФАРМОНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИ САҚЛАШ, ТАШИШ ВА САВДО ҚИЛИШДА ТАРТИБ ЎРНАТИШ МАҚСАДИДА ИШЧИ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат бозорида вужудга келган фавқулодда ҳолат, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол қиладиган бошқа моллар савдосида ва таъминот системасидаги оммавий суиистеъмоллар, фуқароларнинг бу соҳада тартиб ўрнатиш тўғрисидаги қатъий мурожаатлари муносабати билан **қарор қиламан:**

1. Истеъмол бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш даврида халқ истеъмоли молларининг яшириб қўйилиши, бузилиши, ўғирланиши ва чайқов қилинишни пайини қирқиш учун шу молларнинг ишлаб чиқарувчидан то истеъмолчигача етиб боришидаги бутун йўлда жуда қаттиқ ишчи назорати ўрнатилсин.

Шу мақсадда ўн кунлик муддат ичида меҳнат жамоалари, ўқув юртлари вакилларининг йиғилишларида район, шаҳар, шаҳарлардаги район ишчи назорати қўмиталари сайлансин. Қўмиталарнинг қарорига биноан корхона ва ташкилотларда, шунингдек аҳоли истиқомат жойларида ишчи назорати гуруҳлари тузилиши мумкин.

Ишчи назорати қўмиталарига ва гуруҳларига сайланган кишининг шахсидан гувоҳлик берувчи ҳужжат халқ депутатлари Советларининг тегишли ижроия қўмиталари томонидан берилади.

Ишчи назорати органларига:

озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарини, савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларини, омборлар ва ёрдамчи хоналарни, савдо муассасаларининг базаларини, шунингдек кооперативларни текшириш;

маҳсулотлар ва молларнинг ташилишини, вагонлардан, бошқа транспорт воситаларидан тушириб олинишини ҳамда истеъмолчига етказиб берилишини назорат қилиш;

текшириш ўтказилаётган корхона ва ташкилотдан, шунингдек уларни бошқарувчи идоралардан молларнинг мавжудлиги, тақсимланиши ва сотилиши тўғрисида зарур ахборот ва ҳужжатларни олиш;

қондабузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда савдо корхоналарини, омборларни, базаларни вақтинча ёпиб қўйиб, бундан юқори ташкилотларни, шунингдек ички ишлар идораларини дарҳол хабардор қилиш;

суиистеъмолларда ва хўжасизликда айбдор бўлган ходимларни ишдан четлаштириш ёки бўшатиш ҳақида таклифлар киритиш, зарур бўлган ҳолларда жиноий иш қўзғатиш масаласини тегишли органларнинг олдига қўйиш ҳуқуқи берилсин.

2. Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва уларнинг ижроия қўмиталари ишчи назорати ва ички ишлар идораларининг, халқ назорати ва идоравий назорат, депутатлар гуруҳлари ва комиссияларининг куч-ғайратларини бирлаштирсинлар.

Ишчи назорати қўмиталари учун маҳаллий имкониятлар ҳисобидан зарур бинолар, транспорт ажратиб берилсин, телефон алоқаси билан таъминлансин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари, уларнинг маъмурий комиссиялари ишчи назорати аниқлаган суиистеъмол ҳолатлари юзасидан зудлик билан қарорлар қабул қилсинлар.

3. ССЖИ Ички ишлар вазирлиги, ССЖИ Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва уларнинг жойлардаги органлари корхона ва ташкилотларни текшириш пайтида ходимларнинг ишчи назорати қўмиталари билан доимий ўзаро алоқасини таъминласинлар. Вазиятнинг фавқулоддалигини назарда тутиб, савдо соҳасидаги суиистеъмол ҳолатларининг олдини олиш ва пайини қирқиш юзасидан дарҳол чоралар кўрилсин, шу мақсадда зарурратга қараб муваққат бўлинмалар тузилсин.

Савдо қоидаларини ашаддий бузиш, талон-тарож ва чайқовчилик тўғрисидаги ишлар юзасидан сайёр суд мажлисларини ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 30 ноябрь.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар





Ўзбекистон ҳаёти

● «Пахтакор» жамоа хўжалиги Бағдод районидаги юқори ҳосилли хўжаликлардан биридир. Хўжалик миришкорлари ерларни ўғитлаш, сифатли шудгорлаш ишларини муваффақиятли якунлашмоқда.

Чапдаги суратда: жамоа хўжалиги раиси, район партия комитети бюро аъзоси, область Совети депутати Абдуқаҳҳор Абдусаматов (ўнгда) созловчилардан Раҳимжон Ҳалилов ва Каримжон Пайқамбарқуловлар билан ремонтдан чиқарилган экиш агрегатларини кўздан кечирмоқда.

● Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалигида омилкорлик билан иш юритиш натижасида қатор ўзгаришлар бўлаётир. Гилам тўқиш цехининг очилганлиги бунга мисол. Кичик корхона учун ускуналар намунасини Самарқанддан олиб келишган бўлса, «Наманган сельмаш»чилар эса 15 та станок тайёрлаб беришди.

Ўнгдаги суратда: гилам тўқиш цехининг бошлиғи Раҳима Каримова ва жамоа хўжалиги раиси Абдураҳмон Абдураҳимовлар гиламни кўздан кечиришмоқда.

● Норин районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг қандолат цехи қишлоқ меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатиб турибди.

Пастдаги суратда: цех бошлиғи Одилжон Исоқов ва пешқадам қандолатчи Тоҳиржон Юсупов.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) ва Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



● Ишчи—яратувчи, бунёдкор

БИР УМРГА ТАТИГУЛИК

Раҳимжон Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳида ўқиб юрган кезлар... У йигирув машиналарини такомиллаштиришга қизиқиб қолди. Шу-шу бўлдию, ишлаб чиқариш практикасида ҳам ўзи қизиққан мавзу бўйича изланди, тўқимачилик комбинатида тез-тез бўлиб, ўйлаб топган янгиликларини синовдан ўтказди.

Талабалик йиллари ортда қолиб, инженер-технолог дипломи билан комбинатга келганида ҳам, кейинчалик олийгоҳ аспирантурасига киранида ҳам ўзи танлаган мавзудан четга чиқмади. Устозлари Ринат Бурнашев ва Марат Аҳмедовлар унинг орзулари рўёбга чиқишига ёрдам беришди. Р. Каримов уч йил ўтар-ўтмас «Йигирув машиналарининг чўзиш ускуналари» деган мавзуда диссертация ёқлаб, фан номзоди унвонига сазовор бўлди.

Олийгоҳда педагогик фаолият олиб боришига қарамай бошлаган ишини давом эттирди. Юзлаб тажрибалар ўтказди, ўнлаб илмий-оммабоп мақолалар ёзди. Ўз йўлидан чекинмади. Ниҳоят, Раҳимжон Каримов кўп йиллик тинимсиз изланишлардан кейин йигириш машинаси чўзиш ускунасининг энг қулай мосламасини яратди. Ўтган йили янги ихтро Москвадаги ССЖИ Давлат илмий-техника кашфиётлар экспертизасида рўйхатдан ўтиб, унинг муаллифига гувоҳнома берилди.

— Бу ихтиро мен учун бир умрга татигулик, — дейди Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-техника бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди Р. Каримов. — Чунки бутун меҳнат фаолиятим давомида мана шу мавзунинг такомили учун курашдим ва пировардида мақсадимга етдим.

Ҳўш, бу янгиликнинг қандай афзал томонлари бор, ундан қандай иқтисодий самара кўриш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Аввало шуни айтиш керакки, йигирув машинасининг чўзиш ускунаси Наманган шойи газламалар комбинатининг йигирув цехидаги 15 та найчада қўлланилиб, ўзининг қулай ускуна эканлигини кўрсатди. Мутахассислар бу янгиликни корхонадаги 288 та йигирув ва 204 та калавалаш-эшиш машинасидаги 11 мингдан ортиқ найчаларга татбиқ қилинса, анчагина фойда келтиришини аниқлашди.

Жумладан, бунда йигирув машиналаридан чиқаётган ипнинг сифати 30 фоизга яхшиланиб, унга сарфланаётган электр энергияси 30 фоизга камаяр экан. Янги ихтиронинг яна бир қулай томони — тола узунлиги калта бўлган (ҳозир чиқитга кетаётган) хом ашёдан юқори сифатли ип ишлаб чиқариш имконини беради. Хуллас, ушбу янгилик йигирувчилар ишини бир неча баравар осонлаштиради. Йигирилаётган ипнинг сифатини кескин яхшилайди, демак, тўқилажак газламаларнинг сержилолиги ошади. Тайёр маҳсулотнинг харидоргир бўлишини таъминлайди.

Эндиликда наманганлик тўқимачилар иқтидорли мутахассис Р. Каримовнинг фойдали ихтиросини ишлаб чиқаришга кенгроқ жорий этишга ҳаракат қилишмоқда. Корхона аҳлининг қўллаб-қувватлашидан руҳланган Раҳимжон эса тармоқ меҳнатчиларининг оғирини енгил қилиш устида тинмай изланяпти.

Т. СУЛАЙМОНОВ.
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

● *Долзарб мавзуда суҳбат*

ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?

ЎзТАГ мухбири Ю. Бондаренконинг Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари **И. Ҳ. Жўрабеков** билан суҳбати шу масалага бағишланди.

— Исмоил Ҳакимович, жумҳурият Президенти ўтган ярим йил ичида қишлоқ аҳолиси меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида чуқа Фармон чиқарди...

— Ўзбекистонда янги деҳқончилик сиёсати худди шу фармонлардан бошланди, деб ўйлайман. Бу сиёсат, энг аввало, қишлоқ меҳнатчисининг манфаатларини, унинг ўзи ва оиласи учун нормал меҳнат ва турмуш шароитини яратиш манфаатларини кўзлайди.

Дастлабки фармонларнинг бирида барча хоҳловчи кишиларга якка тартибда уйлар қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ер ажратиб бериш кўзда тутилганлигини эслатиб ўтмоқчиман.

Ўтган йили ана шу мақсадларга 167 минг гектардан кўпроқ ер ажратилди. Бинобарин, қишлоқ аҳолисига яроқсиз ерлар эмас, балки суғориладиган экинзорлар ажратилганини алоҳида таъкидлаш керак. Сиз жумҳуриятимиз шароитида шу қадар катта экинзорларни якка тартибда фойдаланиш учун ажратиш зўр мардлик талаб қилганини тушунасиз, албатта.

Ер ажратиш ижобий натижасини берди, қишлоқда ижтимоий кескинлик пасайди. Фармон чиққунига қадар 1870 мингдан кўпроқ оила ўз томорқасига эга эди. Уларда ўрта ҳисобда 12 сотих ер бор эди. Ҳозир ярим миллионга яқин оила янги участкалар олди, яна бир миллионга яқин оила томорқа ерларини кенгайтирди, жумҳуриятимизда ҳар бир оилага бериладиган ер ўрта ҳисобда 19 сотихга етди. Айни вақтда Қорақалпоғистон, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида қишлоқ аҳлига 25 сотихдан ер берилди. Шундай қилиб, енгил иҳиҳатдангина эмас, иқтисодий жиҳатдан ҳам ютиб чиқдик. Зотан, юз минглаб оила истеъмолчилардан озиқ-овқат етиштирувчиларга айланди. Улар ўзларини таъминлабгина қолмай, ортиқча маҳсулотларни бозорга олиб боришмоқда.

— Қанча оила томорқа ёки қўшимча ер олди?

— Бир ярим миллионга яқин оила ерга эга бўлди.

— Бу ерлардан қай даражада мақсадга мувофиқ фойдаланишяпти?

— Мушкул масала. Лекин бегона ўт-ўланлар босиб кетган ерлар борлигини ҳам тан олишга тўғри келади.

— Албатта, ердан қандай фойдаланиш — эгасининг иши. Лекин ер муттасил равишда етишмаётган шароитда уни сассиқалаф босиб кетишига йўл қўймаслик, яхшилаб фойдаланиш керак.

— Шу боисдан ҳам ҳозир қишлоқ Советларига ва хўжаликларнинг жамоаларига фойдаланилмаётган ерларни тортиб олиш ҳуқуқи берилган. Масаланинг шу тахлитда қўйилиши ҳафсаласиз ер эгаларини қўлга кетмон олишга мажбур қилади, деб ўйлайман. Яқинда Президентимиз айтганидек, янги йилда ҳам шахсий фойдаланиш учун ер ажратиб бериш давом эттирилади.

— Суҳбатимиз мавзусига қайтайлик. 11 май куни Президентнинг «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганди. Лекин шу муносабат билан норозилик билдирган баъзи раҳбарлар ҳам топилиб қолди...

— Келинг, мазкур Фармоннинг моҳиятини чуқур тушунишга уриниб кўрайлик. Фармон қай мақсадни кўзлар эди? Авваламбор ем-хашак етиштириш суръатларини жадаллаштиришни кўзлар эди. Фақат жамоат чорвасининг аҳволини ўйлаётган кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ем-хашак етиштиришга етарли эътибор бермаяптилар: фермага етса, бўлди, вассалом. Натижада эса жумҳуриятимизда озуқабоп экинларнинг ҳосилдорлиги жуда паст.

Фармон ана шундай раҳбарларни тартибга чақиришга қаратилган. Бизда озуқа йўқ, уни қаердан оламиз, дейишдан ҳам осони борми. Бироқ ҳамма нарса ўша ерда — далада-ку. Бизнинг шароитда ҳар гектар ер саккиз ва ҳатто ўн тонна озуқа бирлиги бериши мумкин. Бу ҳам жамоат, ҳам шахсий чорва эҳтиёжларини қоплайдиган резервлардир. Бунинг устига одамлар ем-хашакнинг бир қисмини ўз томорқаларида ҳам етиштиришлари мумкин. Шундай қилиб, биз биргаликда кучғайрат сарфлаб чорва маҳсулдорлигини оширамиз. Бундан бошқа йўл йўқ.

— Бу фармонлар қандай бажариляпти?

— Мана, маълумотларга мурожаат этайлик. Хашак тайёрлаш топшириғи қарийб учдан бир баравар ошириб бажарилган. Ширали озуқа тайёрлашда орқада қоляпмиз. Ҳозир аҳволни ўнглаб олиш учун чоралар кўряпмиз.

Аммо, энг муҳими — Фармонга мувофиқ шахсий хўжаликлар давлатдан ем-хашак олишмоқда. Чунки ўтган йили омухта ем етишмаслиги сабабли, масалан, 800 мингдан ортиқ оила сигирларни боқмай қўйди, хонадонларнинг ярмида эса қўйлар ҳам, эчкилар ҳам йўқ эди. Бу йил 400 минг тоннага яқин омухта емни шахсий хўжаликларга сотиш режалаштирилган. Келаси йилда бу кўрсаткич 450 минг тоннага етади. Аҳолига чигитпўстлоқ, кунжара ва шунга ўхшаш емларни сотиш анча кўпаяди.

Бундай шароитда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг мавқеи ортади. Улар ем-хашак сотиш ишларини назорат остига олишлари керак, акс ҳолда бировнинг охури тўла, бошқасиники эса бўм-бўш бўлиши мумкин.

Боя айтганимдек, Фармонда аҳолига мол сотиш кўзда тутилган. Жумҳурият хўжаликлари Фармонни бажара бориб, 54 минг бошга яқин бузоқни, 300 мингтадан кўпроқ қўй ва эчкини, 31 мингга яқин чўчқа боласи ва 7,5 миллионта жўжани шахсий хўжаликларга сотишди.

Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига жамоа ва шўро хўжаликларининг талабномаларига биноан аҳолига мол сотиб олишда ёрдам кўрсатиш учун қарз бериш вазифаси топширилган, шахсий молларга зооветеринария хизмати яхшиланмоқда.

Ана шу тадбирларни амалга оширишдан мақсад битта, у ҳам бўлса — қишлоқ меҳнатчисини ижтимоий ҳимоя қилиш, шахсий хўжаликларни мустаҳкамлашнинг асосини яратиш, озиқ-овқат жамғармасини кўпайтиришдан, натижада эса бутун аҳоли — ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини оширишдан иборат.

— Исмоил Ҳакимович, жумҳурият Президентининг 28 июлдаги Фармони қишлоқ аҳолиси турмушининг энг муҳим жиҳатларига тааллуқли. Унда қишлоқларни газлаштириш, яхши сифатли, яъни сув қувури орқали ичимлик сув билан таъминлаш назарда тутилади. Бундан ҳам олижаноброқ мақсадни тасаввур этиш қийин.

— Фармонда ишларни ниҳоятда қисқа муддат ичида — бор-йўғи икки ярим йилда бажариш талаб этилганлигини сиз, албатта, яхши эсласангиз керак. Шу сабабдан жумҳурият ҳукумати мазкур масала юзасидан тўлатўкис дастур қабул қилди. Унда лойиҳалаш, қурилиш, моддий-техникавий таъминот масалалари пишиқ-пухта ишлаб чиқилган, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия қўмиталарига, вазирликлар ва идораларга топшириқлар берилган.

Йилнинг учинчи чорагида қишлоқ жойларда 622 километр узунликдаги сув қувурлари ва 302 километр узунликдаги газ қувурлари ишга туширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,7 ва 1,5 баравар кўп демакдир. Учинчи чоракда ишга туширилган тармоқлар бутун ярим йилликда фойдаланишга топширилган тармоқларга теппа-тенгдир. Хуллас, шу давр ичида 75 мингдан кўпроқ қишлоқ аҳолиси марказлашган тарзда сув таъминотидан фойдаланиш имкониятини олди. 30 минг қишлоқ хонадонига газ берилди.

Тўртинчи чорак дастури жуда тиғиз. Шу уч ой ичида 1869 километр сув қувурларини ва 1085 километр газ тармоқларини фойдаланишга топшириш зарур. Президент Фармонида кўзда тутилган йиллик топшириқни бажарсак, у бундан аввалги исталган беш йилликда фойдаланишга топширилган объектларга тенг бўлади.

Орол бўйига алоҳида эътибор бериш керак. Қорақалпоғистонда 580 километр ва Хоразм вилоятида 790 километр сув қувурларини ётқизиш керак бўлади.

— Рақамлар ниҳоятда катта, кишида зўр таассурот қолдиради, лекин уларни рўёбга чиқаришнинг аниқ имкониятлари қандай?

— Бу ишларни бажариш учун барча зарур чора-тадбирларни кўряпмиз. Лекин қувурлар ва ускуналар бир меъёрда етказиб берилмаётгани иш суръатига салбий таъсир қилаётганини ҳам айтмасдан ўта олмайман. Афсуски, Иттифоқ идораларида Орол бўйини яхши ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини етарли даражада тушунмаяптилар.

Келаси йилда қилинадиган ишларнинг ҳам кўлами жуда кенг. Дастурга мувофиқ 4585 километр сув қувурлари қурилиши назарда тутилган, бу ўтган йилга қараганда 3,4 баравар кўп демакдир. Худди ана шу нарса 700 мингдан кўпроқ қишлоқ аҳолисини сув билан таъминлаш имконини беради. Фойдаланишга топшириш режалаштирилган 4100 километр газ тармоқлари орқали эса 110 минг қишлоқ хонадонига «зангори олов» келади.

— Сизларга бу катта ишда муваффақият тилаймиз.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

30 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Халқаро ишлар комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

«Халқаро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон ССЖ мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди, жумҳуриятнинг халқаро алоқаларини кенгайтиришда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг, шунингдек «Ватан» жамияти жамоат ташкилотлари роли ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Иттифоқ шартномаси лойиҳаси хусусида фикрлашиб олинди.

Мажлисда комитетнинг 1991 йилги режалари ҳақида ҳам гап борди, бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Сиёсатшунослик ва бошқарув илмгоҳи раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш факультетида тингловчилар навбатдаги гуруҳининг ўқуви тугалланди. Булар Ўзбекистон ва Тожикистон Компартиялари қишлоқ ноҳия қўмиталарининг иккинчи котиблари эди.

Машғулотларда тингловчилар асосий эътиборни социализм қуриш ленинча концепциясини чуқур ўрганиш ва ижодий қўлланишга, сиёсий системани туб ислоҳ қилишнинг назарияси ва амалиёти билан боғлиқ долзарб масалаларга, жамиятни демократиялаш ва кўп партиявийлик шароитида КПССнинг ўрни ва мавқеини аниқлашга қаратдилар.

Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиблари А. И. Икромов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, КПСС Марказий Назорат қўмитаси раёсатининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Назорат-тафтиш қўмитасининг раиси Ш. М. Йўлдошев, давлат бошқаруви идораларининг ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон ва Тожикистондаги бир қанча вазирликлар ва маҳкамаларнинг раҳбарлари нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ УСТАВИ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Жумҳуриятимиз мустақиллиги ва халқимиз миллий равнақини белгилаб берувчи, ҳаракатлантирувчи фирқавий Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини ўқиб, ўтган кунларимиз, босиб ўтган ўтли, аламли, баъзан шодли ва суронли даврларимиз кўз ўнгимдан ўтди ва бехтиёр хаёлимни банд этди. Қани, энди, шу халқпарвар тадбирлар амалга ошсаю, Ўзбекистон оламни гулистон бўла қолса, ўтган кунлар қусури сира такрорланмаса!

ФИРҚАМИЗ ТАҚДИРИ

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, фирқа ветерани.

Ўтган кунлар... Ўйлар... Хаёллар... Тақдирлар...

Ўзбекистон Коммунистик фирқаси — Улуғ Октябрь фарзанди. Унинг кураш йиллари — менинг кураш йўлларим, унинг тақдири менинг тақдирим, унинг ютуғи-ю хатоси ҳам меники, унинг интилишлари билан Ҳаракат дастури ҳам менга, жами коммунистга дахлдор.

Улуғ Октябрь инқилобидан бир йил олдин туғилганман. Эсимни таниганимдан бери бу айёмни байрам қиламан. Улуғ Октябрнинг илк байрамини қишлоғимиздаги қизил чойхонада кўргандим. Ўша кезлари ҳамма номларга инқилоб рамзи бўлмиш қон ранги — «қизил» сўзи қўшиб ёзилар ва айтиларди. «Қизил чойхона», «Қизил кетмон» артели, ҳатто чустлик бир қишлоқ мухбирининг яширин тахаллуси «Қизил хўкиз» эди.

Шундай қилиб, ўшанда чойхонамиз эски ўзбек алифбосида инқилобий шиорлар ёзилган албонлар билан безатилганди. Инқилобий чақириқлар битилган қизил матолардан ёниб турган «Қизил бурчак»дан туриб музофот иштирокиюн фирқаси вакили овозининг борича қичқириб ваъз айтарди.

Ўша ваъзхонликда чўк тушиб ўтирганларнинг орасида бойлар, ўрта ҳоллар, камбағал, энг камбағал, батраклар ҳам бор эди. Ўша кезлар кўпчиликка тўй бўлса, баъзиларга аза эди. Бойлар мол-мулкидан ажралиб не ҳолларга тушмоғи тўғрисида қайғурарди. Ўрта ҳоллар эса бой бўлиб тугатилиш хавфидан қўрқардилар. Камбағал батраклар қорни тўйиб нон ейиш орзусида шод-хуррам байрам қилардилар.

Инқилоб қишлоқларда узоқ ва оғир давом этди. Шаҳарларни боқиб турган бойларнинг мулки тортиб олинди, ўзлари яп-ялангоч Сибирга сургун қилиндилар. Уларнинг мол-мулклари талон-тарож бўлди. Мамлакатга дон-дун, гўшт-ёғ, пахта етказиб бериш камайиб кетди. Ўрта ҳоллар ҳам тинч қолмадилар. Қўш ҳўкизи, от-улови бор, ўзига тўқ ва ортганини бозорга чиқарувчи деҳқон борки, қулоқ қилинди.

Қишлоқда фирқа ташкилоти раҳнамолигида инқилоб давом этди. Ёппасига коллективлаштириш бошланди. Ер ислоҳотида деҳқонларга инқилоб берган ер-сув, от-улов қайтариб олинди. Деҳқонлар ёппасига батрак ҳолига тушиб қолдилар, батракликнинг шакли ўзгарди. Илгари бойга хизмат қилган бўлсалар, энди ликда колхозга хизмат қиладиган бўлдилар, тирикчилик шаклан ўзгарса ҳам мазмунан бояги-бояги бечоралик давом этди. Айрим раҳбарлар, катта-кичик амалдорлар бойиб бордилар, бечора меҳнатчи нон-чойдан нарига ўтолмай кун кўрди. Шаҳар билан қишлоқ тафовути ер билан осмонча бўлиб кетди. Қишлоқ топганини шаҳарга едириб, деҳқоннинг тирноғини ўстирмади. Кўз илғамас зиддият кучая борди.

Инқилоб давом этди. Синфсиз жамият қурамиз, унинг пойдевори социализм бўлади, дедик, аммо социализмни нотўғри ва уни ўз билганимизча талқин қилиб, қўлимиздан келганича тўрачилик билан бунёд этдик. Яъни Маркс-Ленин таълимоти четда қолиб, ёлғон социализм бунёд этдик. Уни «Ривожланган социализм» деб мақтандик, жами бойлигимизни ҳарбий машина моторига чапладик. Халқимизни ҳам унутганимиз йўқ, инқилоб давридаги тангликдан чиқдик, фабрика ва заводлар қурдик, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ривожланиш давом этди.

Дунё буржуаси, фашизм бизга таҳдид қила бошлади. Фирқамиз раҳнамолигида мамлакат мудофааси зўр қудрат топди, ватанпарварлик бемисл кучга айланди. Мен ўша вақтда, яъни бундан 53 йил илгари фирқамиз сафига қўшилдим. Ўша вақтда коммунистда учта **имтиёз** бор эди: қаерда қийин бўлса ўша ерда ҳозир бўлиш, жангларда олдинда юриш, ўлимга очиқ кўз билан дадил ва тикка бориш... Ана шундай имтиёзларни чуқур англаб биз фирқага кирганмиз. Коммунистликнинг обрўси шу қадар баланд эдики, фирқа аъзоси бўлишга улгурмаган аскар, командирлар ҳам жангга кираётиб «Шу жангдан тирик қайтмасам мени коммунист эди денглар» деб васият қиларди. Энг оғир пайтларда фақат битта команда — «Коммунистлар олға!» деган имтиёзли команда янграрди. Гитлер фашизми устидан қозонилган ғалаба рўйхатининг бошида коммунистлар ва уларнинг жанговар фирқаси ёзилган. Ўзбекистон Компартиясининг юз минглаб аъзоси фронтда жон олиб-жон берди. 20 миллионлик коммунистлар уюшмаси қилган катта ишларни унутиш адолатдан эмас. Ҳамма қусурга фақат фирқамиз жавобгар, деб бўлмайди.

Фирқамиз раҳнамолигида инқилоб давом этади, дедик. Уруш жароҳатларини даволадик, аммо жамиятимиз бемор бўлиб қолганини сезмадик. Бемор жамиятни даволаш йўли уни тубдан қайта қуриш эди. Қайта қуриш — яъни инқилоб ичидаги инқилоб беш йил давом этяпти, аммо ҳали унинг учи-қири кўринганича йўқ. «Инқилоб ичида инқилоб» қилиб, гўё аринининг уясини қўзғаб қўйдик. Уясидан қўзғалган ари рўпара келганни чақяптию, аммо асалини бермаяпти. Бунинг сабаби Ўзбекистон Компартияси дастурида аниқ айтилган. Демократияни мустаҳкамлаймиз, аммо бошбошдоқликка йўл қўймаймиз!

Инқилоб ичидаги инқилобимиз ҳар қандай инқилобнинг энг катта кучи бўлмиш ҳазрати интизомни юзага чиқара олмаяпти. Ҳамма балоларнинг балоси интизомсизликдир. Эски ҳокимият иш бермай қўйди, ҳар ҳолда у қамчин ўқталиб бўлса ҳам интизом ўрнатиб турарди. Энди унинг қўлидан қамчиси тушди. Янги ҳокимият эса, ҳали ўзлигини билгани йўқ.

Инқилоб ичидаги инқилобимизнинг ҳозирги палласи бир жиҳатдан Октябрь инқилобининг дастлабки даврига ўхшаб кетади. Ўша даврда бойлардан тортиб олинган мулкни қандай сақлаш ва қандай ишлатишни билмай уни нобуд қилган эдик ёки талон-тарож этгандик. Не-не бойликлар оёқ ости қилиниб, не-не маданий мерослар вайрон қилинганди. «Эскилик қолдиғи» деб дунё сайқали бўлмиш Самарқанду Бухорою, Хива ёдгорликлари вайрон этилди. Энди миллион-миллион олтин сарфласак ҳам ўрнига тушмаяпти. Қишлоқларда эса не-не нақшиндор антиқа масжид ва мадрасаларни бузиб юбордик.

Ҳозир ҳам худди шунга ўхшаш ишлар давом этяпти. Октябрь инқилобимиз туфайли халқ қўли билан тикланган, урушдаги ғалабамиз рамзи бўлмиш ажиб ёдгорликларимиз вахшийларча бузиб ташланмоқда. Социалистик санъат асарларигача пайҳон қилинмоқда. Буни қайта қуриш ҳам, янгиланиш ҳам деб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси ана шу ножўялликларни битириш дастурини чиқариб жуда тўғри иш қилди.

Маданий инқилобимиз ҳам 1917 йилдан бери узлуксиз давом этяпти. Биргина саводхонликни олайлик. Октябрь ғалабасидан кейин ўзбек халқи саводсиз халқ деб эълон қилинди. Бекорчи гап!!! Саводсиз халқдан улуғ алломалар, буюк шоирлар — Абу Али ибн Синою Улуғбеклар, Аҳмад Яссавию Аҳмат Фарғоний, ал-Хоразмию, ниҳоят ҳазрат Навоийлар чиқа олармиди? Октябрь инқилобидан кейин ўзбек халқи атайлаб тўрт марта саводсиз қилиниб, тўрт марта «саводи чиқарил»ди...

Шундай экан, Улуғ Октябрь социалистик инқилоби ўзбек халқига нималар берди, деган савол туғилади. Албатта, Октябрь инқилоби туфайли халқимиз кўп нарсаларга эришди. Ўзбеклар миллат бўлиб шаклланиб, ўз давлатига эга бўлди. Шаҳарларимиз саноатлашди, қишлоқларда деҳқончилик техникалашди. Олий ўқув юртлари кўпайди, ҳатто Фанлар Академиясига эга бўлдик. Аммо булардан кўра кўпроқ, каттароқ натижаларга эришган бўлардик. Афсуски, мустақил, суверен давлат эмас эдик. Компартиямиз ҳам.

Инқилобимизнинг ҳозирги палласида ажиб ҳол юз берди. 73 йил ичида давлат тузган рўзғорни бузиб, пешона тери билан орттирган мол-мулкини, армиясини, қуролини 15 бўлакка бўлиб олайлик, дегувчи депутатлар ҳам топилиб қолди. Уларга қолса, атом бомбаларини ҳам парчалаб бўлиб олармишлар. 1917 йил инқилобчилари бунинг учун жон бериб, қон тўккан эмас эдилар. Жумҳурият партия ташкилоти бу йўлдан бормаслигини ўз дастурида ошкора айтиб тўғри йўл тутди.

73 йил ичида бир жон, бир тан бўлиб яшаган халқларни жиққамушт қилишга уринувчилар ҳам билиб қўйсинлар: биз — ўзбеклар, гиж-гижларга учадиган одамлардан эмасмиз!

Афсуски, ўзининг 73 ёшига тўлганда инқилобимиз ва иқтисодиётимиз, шу жумладан ўзбек иқтисодиёти бетобликда кун кечирмоқда. Касалликни даволаш учун бирлик, бирдамлик ва аҳиллик керак. Энг муҳими, қаттиқ интизом зарур. Бошбошдоқлик билан инқилоб ғалабасини сақлаб қололмаймиз, касал бўлиб қолган жамиятимиз ва иқтисодиётимизни ҳам даволай олмаймиз, фирқамиз дастури бунга аниқ ва тўла жавоб беради.

Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури келаси кунларга ишонч билан тўлиқ. Ўйлайманки, бу режаларни тўла-тўкис амалга оширсак, жумҳуриятда қайта қуриш инқилоби ўз муроду мақсадига етади, юртимизда тинчлик ва фаровонлик қарор топади. Коммунистлар яна пешқадам кучга айланади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури лойиҳаси жумҳуриятимизнинг барча жойларидаги каби бизнинг бирлашмамизда ҳам муҳокама қилинмоқда. Муҳокама айниқса қуйи бўғинларда қизғин боряпти. Бундай дейишимнинг боиси бор. Бирлашмамизда меҳнат қилаётган 13 мингга яқин кишининг аксарияти ноҳиялардаги сув хўжалиги тармоқларида ишлайди. Улар кичик-кичик бригада ва жамоаларга бирлашган.

Ҳозир қайси ноҳиядаги меҳнат коллективига борманг, одамларнинг қўлида Ўзбекистон Компартияси фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жумладан, ишчи Маҳмуджон Турсунов Ҳаракат дастурида оддий меҳнатчиларнинг моддий ва иқтисодий шароитлари нормал ҳолатини таъминлаш йўлида ўзи каби кам маошли ва кўп болали оилага ижтимоий кафиллик яратилганидан хурсанд бўлганлигини таъкидлади. Косонсой ноҳия сув хўжалиги бошқармаси муҳандиси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган сув хўжалиги ходими Низомиддин Алиев эса дастурнинг Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисидаги бўлимининг **«Пул муомаласи ва истеъмол бозорини нормаллаштириш» жумласи билан бошланган гапдан аввал «кам маошли, ишчи-хизматчиларнинг ва иқтисодий жиҳатдан ночор кишиларнинг маошларини кўпайтириш энг зарур масала деб ҳисоблансин»** сўзларини қўшиб қўйишни таклиф қилди.

Шунингдек, коллективимизнинг бошқа аъзолари ҳам дастур ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Энг муҳими, партиямизнинг Ҳаракат дастури ҳеч кимни лоқайд қолдирмаяпти. Мен ҳам дастурни асосан маъқуллаш билан бирга, ўзимнинг баъзи таклифларимни билдирмоқчиман. **Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастурининг «Ўзбекистон ССЖнинг чинакам сиёсий мустақиллиги учун» бўлимининг «Коммунистик партия кўп партиялилик шароитида» деб бошланадиган гап бошидаги «ўрнини босишдан» деган сўздан кейин «уларнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқларини чеклашдан» жумласи киритилишини ва шундан сўнг матн бўйича давом этишини таклиф қиламан.** Чунки ҳозир ҳам партия комитетлари совет ва хўжалик ишларига аралашишдан осонликча воз кечаётгани йўқ.

Яна бир таклиф. «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўллари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида» бўлимидаги **«Аллабатта, кадрларнинг малакасини ошириш» деб бошланган сўзлардан олдин «маҳаллий ёш кадрларни вояга етказиш йўлида сабот билан ишлаш, улар томонидан тақдим қилинган ихтирочлик таклифларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, турмуш даражасини яхшилаш учун кўмаклашиш ҳамда меҳнатга виждонан ёндашишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш лозим» жумласини қўшиб қўйишни таклиф қиламан.** Негаки, келажак тақдири ёшлар қўлида. Келгусида жумҳуриятимизнинг қай даражада равнақ топиши кўп жиҳатдан ҳозирги ёшларнинг билими, ташаббускорлигига боғлиқ. Қолаверса, шу пайтгача кўплаб ёшларимизнинг ихтирочилик, рационализаторлик таклифлари қоғозларда қолиб кетмоқда.

Узоққа бормай, кундалик ҳаётимиздан мисол келтирай. А. Жаъфаров иқтисодий ишлар бўйича менинг ўринбосарим бўлиб ишлайди. У изланувчан, ташаббускор йигит. Абдурайимхон кўпчилик олимларимизнинг бошини қотирадиган шпинделларсиз пахта териш машинаси яратиш ва ғўза баргини ҳеч қандай дориларсиз — электр токи ёрдамида тўкиш ҳақидаги рационализаторлик таклифи билан чиққанди. Ўйлайманки, бундай ихтирочлик таклифлари билан чиқаётган битта Абдурайимхон эмас, бундай ташаббускор ёшлар жумҳуриятимизда кўплаб топилади. Очиғини айтганда, шу пайтгача жумҳуриятимиз, ҳатто Иттифоқимизда ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларига етарли даражада эътибор бермай келинди. Жамиятимизнинг техникавий ва бошқа соҳалардаги тараққиёти оқсаб қолаётганининг боиси ҳам шунда деб ўйлайман. Бизнинг шароитимизда ҳам ихтирочилик таклифлари, илғор фикр ва ғояларни қадрлаш ҳамда тақдирлаш пайти келди.

Хуллас, Ўзбекистон Коммунистик партияси Ҳаракат дастури лойиҳаси мазмун ва моҳияти билан халқ манфаати йўлида хизмат қилишга қаратилган. Биз уни жумҳуриятимизнинг барча табақалари кишилари иштирокида кўплашиб янада мукаммаллаштириш хусусида таклифлар киритяпмиз. Зеро, бунда ҳар бир одамнинг фаол иштироки жумҳуриятимиз тақдирига бефарқ эмаслигини билдиради.

Ҳакимжон ҲОШИМОВ,
Наманган вилоят сув хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи.

ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

ИШОНЧЛИ ОМИЛ

Мухбиримиз халқ депутатлари Тошкент ноҳияси Кенгаши раисининг ўринбосари Дилбар Йўлдошева билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Дилбар Йўлдошевна, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури лойиҳасида шундай жумлалар бор: «Коммунистик партия кўп партиялилик шароитида давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ўрнини босишдан ва ҳукмронлик ваколатларидан воз кечади, халқ ҳокимиятининг таъсирчан органлари бўлмиш Советларнинг мавқеини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш учун курашади». Айтинг-чи, ушбу сўзлар амалда ўз аксини топаяптими?

— Аввало Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастури ҳақида. Гап Ўзбекистоннинг чинакам иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги ҳақида борар экан, дастур коммунистларнинг, жумҳуриятимиз ҳар бир фуқаросининг диққат марказида бўлади, деб ўйлайман. Унда партиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ва ундан кейинги фаолияти йўналиши лўнда баён этилган.

Мустақиллик биринчи навбатда бизга нима бериши мумкин? Биз эришган энг биринчи афзаллик бу халққа янада яқинлашганимиздир. Авваллари то юқоридан буйруқ келмагунча бирон тадбир ўтказолмасдик. Ҳозир ундай бўлмаяпти. Ноҳия Кенгаши ўзи қарор қабул қиляпти. Уларнинг бажарилишини ўзи назорат этяпти.

— Агар мумкин бўлса, ноҳия Кенгашн режаларининг моҳияти ҳақида тўхталсангиз...

— Қарорларимиз, иш режаларимизни асосан Президент Фармонларидан келиб чиқиб тузяпмиз. Лекин шу ерда ишимизда бироз қийинчиликлар туғиляпти. Ноҳия Кенгаши қабул қилган қарорлар ижроси қўмита томонидан амалга оширилади. Бу сир эмас, ҳаммага маълум ҳақиқат. Демоқчиманки, асосий бюджет ижроия қўмитасида жамланган. Оқибатда қарор биздан, ижро улардан бўляпти. Шундай экан, ижроия қўмитасининг раиси ноҳия Кенгаши раисининг биринчи муовини этиб сайланса, бу иш бевоситалик касб этади.

— Кенгаш иши, асосан, депутатлар фаолияти билан чамбарчас боғланган, шундай эмасми?

— Депутатлар — ишонган тоғларимиз! Афсуски, сайловчилар наказларини бажаришда улар ҳам, бизлар ҳам баравар қийналамиз. Ҳар бир наказ — бу муайян миқдордаги маблағ дегани. Хўш, маблағни қаердан олиш мумкин? Агар ноҳиямиз миқёсида сўз юритадиган бўлсак, аввало ҳудудимиз корхоналар, ташкилотлар, жамоа ва шўро хўжаликларидан тушадиган солиқ ва турли тўловларни назарда тутмоғимиз зарур бўлади. Улар тўлайдиган маблағларни ўз вақтида, оғринмасдан, қатъийлик билан берсалар бўлмайдими? Яна бир фикр: корхона, жамоа ёки шўро хўжалиги қайси қишлоқ кенгаши ҳудудида бўлса, тушадиган тўловларни ўша қишлоқ кенгашининг ўзи тўлиқ тасарруф этса кўнгилдагидек бўларди. Бу энг аввало ишимизнинг ютуғини таъминларди. Шу фикр ҳаракат дастурида яна ҳам равшанроқ акс этишини истардим.

— Демак, Кенгашларга мустақиллик бериш фақат ижобий натижалар беради, шундайми?

— Албатта! Ҳаракат дастури лойиҳасида энг биринчи кўзда тутилган афзаллик фақат маҳаллий, ноҳия, вилоят Кенгашларига эмас, балки ҳар бир коммунистга кенг ҳаракат учун имконият яратиб берилганидадир. Худди шу маънода Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастурини оддий бир коммунист сифатида тўла маъқуллайман.

Т. УБАЙДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

АНИҚЛИК КИРИТИШ КЕРАК

Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави лойиҳасининг 23-бандида «Ишлаб чиқаришдаги бошланғич партия ташкилотлари битта меҳнат жамоасида ёки битта шаҳар, район ҳудудида жойлашган меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш ёки бошқа бирлашмасида ишлаб турган коммунистларни бирлаштириш йўли билан тузилади» дейилган. Назаримда бу қоида кейинги пайтда ташкил топаётган бирлашмаларга тўғри келмаяпти. Масалан, Самарқанддаги «8 Март» ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиаллари вилоятдаги 8 та районда жойлашган. Пойабзал, 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикалари ҳам ана шундай бўлинмаларга эга. Демак, цех партия ташкилотлари район, шаҳар ҳудудидан ташқарига чиққан. Улар бирлашма партия комитети билан жуда яқин алоқада бўлади, деб айта олмаймиз. Чунки улар ўртасидаги масофа узоқ. Қолаверса, бош корхона партия комитети (уни биз бирлашма партия комитети деб нотўғри атаймиз) ўша ерда ишлаб турган коммунистлар билан кўпроқ ишлайди. Шундай экан, **Уставга аниқлик киритиб, бош корхона партия комитети ва шу бирлашмага қарашли цех партия ташкилотлари муносабатини белгилаб қўйиш лозим.**

Н. КАРИМОВ,
1946 йилдан КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат ветерани.

Ўзбекистон ССЖ Прокуратурасида

Иқтисодиёт ва экологияга — қонун кафолати

Жумҳурият Прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идораларининг вазирликлар, идоралар, йирик ишлаб чиқариш ва савдо бирлашмалари вакиллари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаши ўтказилди.

Иқтисодиёт ва экология соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш, хўжасизликка, ўғирликка, давлат интизомини ва табиатни муҳофаза этиш қонунларини бузишга қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек бундай салбий ҳодисалар ҳозир жумҳурият халқ хўжалигида, энг аввало Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, Ўзбекбирлашув, давлат савдоси системаларида, қурилиш соҳаси ташкилотларида жуда кенг тарқалган. Шу йилнинг биринчи ярмидагина, мисол учун олганда қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноатда олти миллион сўмликдан кўпроқ, матлубот кооперацияси системасида тўрт миллион сўмлик маҳсулот ўғирланганлиги ва нобуд бўлганлиги аниқланган. Бошқа тармоқларда ҳам миллионлаб сўм зарар етказилган.

Бундай салбий ҳодисаларга ҳозир — жумҳурият бозор муносабатларига ўтаётган даврда айниқса тоқат қилиб бўлмайди, деб таъкидлашди нотиқлар, чунки бундай салбий ҳодисалар қўшимча қийинчиликларни, иқтисодиётда жиддий номутаносибликни вужудга келтиради, тақчилликнинг кучайишига, истеъмол талабларининг қондирилмаслигига, пулнинг қадрсизланиши жараёнлари, жиноятчилик кучайишига кўмаклашади, амалга оширила бошланган ижтимоий дастурларга халақит беради. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузиш, жумҳуриятда деярли ҳамма жойда тобора кўпроқ юз бераётган экология талабларини менсимаслик эса иқтисодий зарардан ташқари одамларнинг саломатлигига, ҳаётига жиддий хавф туғдиради.

Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари жумҳурият халқ хўжалиги тармоқларида тартиб ўрнатиш, қонунийликни оғишмай таъминлаш, бу ишга собитқадам, изчил ва ҳужумкор тус бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва назорат-тафтиш хизматлари ҳаракатларини тағин ҳам пухтароқ мувофиқлаштириш ўткир зарурат бўлиб қолганлигига эътиборни қаратдилар. Ҳисобга олиш ва ҳисоботни, идоралар ички назоратини ташкил этишни қатъиян яхшилаш ва сифат жиҳатдан қайта қуриш лозим. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари бошбошдоқликнинг олдини олишга ҳаракат қилмаётирлар, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларга фаол қаршилик кўрсатмаяптилар, бунинг ўрнига кўпинча хўжасизлик фактларини, қонунчиликнинг бузилишини фақат қайд этмоқдаларки, бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Идоралараро мувофиқлаштириш кенгаши муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССЖ Президентининг маслаҳатчиси Д. Д. Берков нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



МИЛИЦИЯ БОНГИ

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Поп район давлат автомобиль инспекцияси ходимлари Тошкент номеридаги «Жигули» автомашинасини кўздан кечираётганларида унда кўп миқдорда наркотик моддалар борлигини фош этдилар. Қўлга киритилган «гиёҳ»ларни ёпиқ бозордаги баҳоси 18 минг сўмликни ташкил этади.

Суратда: Поп район ижроия комитети ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлинмаси ходими Абдураҳмон Хўжаев (чапда) ва терговчи Тоҳир Абдураҳмоновлар қўлга киритилган «юк»ларни кўздан кечиришмоқда.

А. КОВТУН олган сурат (ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«Омборлар қачон тўлади»

Рўзномамизнинг шу йил 16 октябрдаги сонида юқоридаги сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Бахмал ноҳиясидаги қатор хўжаликларда сабзавот ва мева сақлайдиган омборлар бўш турганлиги танқид қилинганди. Яқинда ноҳия партия комитетидан расмий жавоб олинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

— Танқидий мақола ноҳия партия комитетининг кенгайтирилган бюросида атрофлича муҳокама қилинди ва аҳволни ўнглаш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгилаб олинди.

Ҳақиқатан ҳам мақола босилган кунгача «Гулбулоқ» ва «Партия XXIII съезди» давлат хўжаликлари омборхоналарига жуда кам миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари келтирилган. Мичурин номли совхозда эса 450 тонна ўрнига атиги 10 тонна маҳсулот жамғарилганлиги ҳамда музхонанинг асосий қисми бўш турганлиги маълум бўлди.

Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сотишда сусткашликка йўл қўйилганлиги, маҳсулотларни қишга сақлашда ички имкониятлардан етарлича фойдаланмаганлиги учун «Гулбулоқ» давлат хўжалиги директори, коммунист Б. Тошпўлатов, «Партия XXIII съезди» давлат хўжалиги директори, коммунист С. Знёдуллаев, Мичурин номли давлат хўжалиги директори, коммунист Я. Парпиевларга қаттиқ хайфсан эълон қилинди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда мутахассис сифатида талаб даражасида иш олиб бормаганлиги, қишга мева ва сабзавот сақлашни кўнгилдагидек ташкил этмаганлиги, келгуси йил ҳосилига замин яратишда сусткашликка йўл қўйганлиги учун «Партия XXIII съезди» давлат хўжалиги бош агрономи Д. Ғофуров лавозимига нолойиқ, деб топилди

Коммунистлар, айниқса, коммунист раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасида етарлича иш олиб бормаганлиги учун «Гулбулоқ», «Партия XXIII съезди» давлат хўжаликларининг партия ташкилоти секретарлари Ш. Саримсоқов ва Р. Полвоновлар қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Айни пайтда омборхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини билан тўлдирилмоқда. Жумладан, шу кунга қадар «Партия XXIII съезди» давлат хўжалиги 40 тонна сабзавот, 60 тонна мева, 10 тонна узум, 100 тонна картошка, «Гулбулоқ» давлат хўжалиги 223 тонна сабзавот, 10 тонна мева, 4 тонна узум, 292 тонна картошка, Мичурин номли давлат хўжалиги 270 тонна сабзавот, 37 тонна мева, 50 тонна узум, 70 тонна картошка, 7 тонна полиз маҳсулотларини омборхоналарга сақлаш учун қўйдилар.

Ноҳия тайёрлов идорасида жами 1812 тонна сабзавот, 9[illegible] тонна мева, 52 тонна полиз маҳсулотлари ва 2 тонна узум ноҳия аҳолисига сотиш учун жамғарилди.

Хўжаликлардаги мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш ҳамда омборхоналарни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш ноҳия партия комитети ва ноҳия ижроия комитетининг доимо диққат марказида бўлади.

МУШТАРИЙ ВА РЎЗНОМА

- Ҳақиқат қарор топди.
- Мажбурий меҳнатга жалб этилганлар жазо муддатини жумҳуриятимиз ҳудудида ўташлари керак.
- Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси нега рўзнома мақоласига ўз муносабатини билдирмади.
- Эътибордан четда қолган ўйдим-чуқур йўллар.

• Акс-садо

«ҚИСМАТ»НИНГ ҚИСМАТИ

Ҳурматли ўқувчи! Ўтган йили (212-сон)да газета махсус мухбири М. Авезовнинг «Қисмат» сарлавҳали суд очерки босилган эди. Унда жумҳурият прокурорининг собиқ ўринбосари О. Гайданов, ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари И. Дидоренко, собиқ терговчилар Н. Артомонов, В. Лаптев каби айрим қонуншуносларнинг қонунбузарликлари ҳақида гап юритилганди.

Албатта кеч бўлса-да, ҳақиқат ўз ўрнида қарор топди. Бир ярим йил қамоқда азоб-уқубат чеккан Бахтиёр Маннонов оқланиб чиққандан кейин ноҳақ ўтирган йил ва кунлари учун тегишли маошини олди.

Рўзномага ушбу мақола юзасидан ўз ўқувчиларидан салкам мингта хат келди.

ТошДД профессори А. Ҳамидхўжаевнинг мактубидан: «...Мен учун ҳуқуқшунослар соф ва идеал одамлар тимсоли эди. Лекин «Қисмат»ни ўқиб, фикрларим алғов-далғов бўлиб кетди. Яъни шунча қилғиликни қилиб, яна халқимизнинг тузини еб тузлуғига тупурган О. Гайданов, И. Дидоренко, Н. Артомонов, В. Лаптевлар ва уларнинг ҳамтовоқлари халқ олдида жавоб бериши керак. Менимча, Бахтиёрни ноҳақ қамашгани учун маошини давлат ҳисобидан эмас, балки айбдорлар ҳисобидан ундириш лозим. Мен Восиқ Маннонoвни адолатли ҳуқуқ посбони сифатида жуда яхши биламан. Қадриятларимизни беҳурмат қилиб, топтаган ҳуқуқ пешволари, албатта, жазоланиши керак.

Ҳуқуқ органларида темир қалбли эмас, темир иродали, соф виждонли, қонунларни ҳурмат қиладиган адолатли инсонлар ишлаши зарур.

Авваламбор одилона ҳукм чиқарган Тошкент шаҳар суди аъзоси Юсуфжон Иброҳимовнинг отасига минг раҳмат. Шу билан бирга суд ҳайъатининг қонунсизликка йўл қўйганларга нисбатан чиқарган хусусий ажрими амалга оширилса кўнгилдагидай иш бўларди».

Меҳнат ветерани Х. Тўйчиев: — «Қисмат»га ўхшаган мақолалар матбуотда бот-бот чиқиб турибди. Лекин шу кунгача ноҳақлик қилган биронта қонунбузарнинг жазоланганини билмайман. Қолаверса, «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» деганларидек, Бахтиёрга ўхшаган мутахассис юристни ноҳақ қамашса-ку, оддий фуқаро арзини кимга айтсин? Қизиғи шундаки, бирор савдо ходими харидор ҳақига 10 тийинлик хиёнат қилгани учун у албатта жазоланади. Лекин юрист беҳудага тўрт-беш йиллаб тергов олиб борса, икки-уч ойлаб суд қилса, ҳатто, янглишса ҳам у билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Шундай экан, ҳуқуқий давлат тузамиз, деганимиз қаёқда қолади. Хуллас, қонун ҳамма учун баробар бўлиши керак...».

ТАҲРИРИЯТДАН: Жумҳуриятимиз турли бурчакларидан келган кўплаб мактублар ҳам ана шу мазмунда ёзилган. Афсуски, ҳар битта хат мазмунини беришнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ўзларининг қимматли вақтларини сарфлаб ушбу мақолага фикр ва мулоҳаза билдирган барча ўқувчиларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

• Мақола босилгандан сўнг

«ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ, У ПОЙТАХТ АҲОЛИСИГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТЯПТИ?»

Рўзномамизнинг 8 август сонида ана шундай сарлавҳа остида мақола босилган эди. Ушбу мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИДАН ҚУЙИДАГИ ЖАВОБ КЕЛДИ:

— Ҳақиқатан ҳам кейинги йигирма йил ичида Тошкент шаҳар чегараси анча кенгайди. Аҳоли шахсий хўжалигидаги чорва туёғи сони тез суръатлар билан ошди. Бироқ ССЖИ ветеринария қонунчилигида шаҳарларда иш олиб борувчи давлат ветеринария хизмати вакилларининг сони чорва туёғи сонига боғланмаган ҳолда белгиланган. Аслида чорва моллар сони ошиб борган сари ветеринария хизмати ходимлари сони ҳам ўсиб бориши керак. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар уй ҳайвонлари касалликларига қарши курашиш станциясининг бошлиғи У. Комилов шаҳар ижроия комитетига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Мурожаатда, жумладан бундай дейилади:

— Бизнинг муассасамиз асосан уй ҳайвонлари ўртасида тарқаладиган касалликларнинг олдини олишга ҳаракат қилади, одамлар, ҳайвонлар ва қушларни турли юқумли касалликлардан муҳофаза этади. Бу вазифаларни кўнгилдагидек бажариш сифати ветеринария муассасаларининг моддий-техник таъминоти яхшиланишига ва мутахассислар билан таъминланишига боғлиқ. Лекин ушбу шароит бундан 26 йил аввал қандай бўлса шундайлигича турибди. 1964 йилга нисбатан олганда шаҳар анча кенгайди, чорва моллари, қуш ва асаларилар 1,5-2 баравар ортди. Бироқ ветеринария мутахассислари сони 1964 йилдаги даражада қолиб кетди. Ўнта райондаги ветеринария шифохонасидан атиги иккитаси, яъни Чилонзор ва Куйбишев районидаги муассасалар замонавий бинога жойлашган, холос.

Шу боис бизга қуйидаги масалаларда ёрдам берсангиз: биринчидан, шаҳар планлаштириш бошқармаси муассасамизга қурилиш материаллари ва мебеллар ажратиши зарур. Иккинчидан, биноларни жорий ва тўла таъмирлаш мақсадида станцияга бирон пудратчи қурилиш ташкилотини бириктиб қўйса яхши бўларди. Учинчидан, шаҳар районлари чегараси кенгайиб, иш миқдори ортиб, ветеринария мутахассислари кўпайиб бораётганини ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар ветеринария станцияси 11 ветеринария мутахассисига иш ҳақи тўлаш учун маҳаллий бюджетдан 26400 сўм ажратишини сўрайди.

Станция жамоаси мақолада келтирилган муаммоларни тўғри ва ўз вақтида кўтарилган, деб ҳисоблайди. Лекин натижадан дарак йўқ. Ҳатто ветеринария шифохоналарини иситиш учун 15-20 тонна кўмир олишнинг иложи бўлмаяпти. Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Ҳамза, Сергели, Октябрь ва Ленин районларининг шифохоналари кўмир билан иситилади-да. Шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрига яна бир район — Бектемир қўшилди. Бу ерда ҳам 1991 йилдан ветеринария шифохонаси ишга туширилиши, 13 кишилик штат тайинланиши керак».

Бизнингча, бу мактуб замирида бугунги кундаги долзарб вазифалар тилга олинган. Бундан ташқари жумҳурият ветеринария бош бошқармасини мустақил давлат хизматига айлантириш ҳақидаги талаблар ҳамон инобатга олинмаётганлиги ачинарлидир.

Ҳозирги аҳволни яхшилаш учун имкони борича баъзи ишлар қилиняпти. Чунончи «Уззооветснаб» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи И. Самуковга Эски Жўва бозорида жойлашган ветеринария дорихонасини етарли миқдорда дори-дармонлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари Фарҳод, Юнусобод, Қўйлиқ, Сергели деҳқон бозорларида ветеринария дорихоналари очиш тавсия этилди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ССЖ Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети мақолага юзаки ёндашган. Лекин Тошкент шаҳар ижроия комитетидаги масъул ўртоқлар-чи? Улар шаҳар ветеринария шифохоналаридаги муаммоларни билишмасмикин? Билишса нега ёрдам беришмайди? Ҳатто рўзномамизда босилган мақолага ҳам муносабат билдиришмагани ачинарли. Ваҳолонки, шаҳарда ўн минглаб чорва моллари, уй-ҳайвонлари бор-ку? Ахир бирор касаллик тарқалиб кетса, аҳолига ҳам юқиши мумкин-ку? Бизнингча, Тошкент шаҳар ижроия комитети ўз ҳудудидаги ёрдамга муҳтож муассасага қисқа фурсатда кўмаклашса, кўнгилдагидек бўларди.

ҲУҚУҚШУНОС ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЖАЗОНИ ЎЗИМИЗДА ЎТАШСИН

Кўпинча суд ҳайъати судланувчини озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, уни мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳақида ҳукм чиқаради. Бундай шахслар кўп ҳолларда жумҳуриятимиздан ташқарида, яъни Россиянинг Кемерово, Волгоград, Чита ёки Псков вилоятларига жўнатилади.

1970 йилдаги 24 июнь «Ўзбекистон ССЖнинг аҳлоқ тузатиш-меҳнат кодекси»нинг Қонуни 6-моддасида озодликдан биринчи марта маҳрум этилганлар ва қамалгунча ёки ҳукм этилгунга қадар Ўзбекистон ССЖ территориясида яшаб турган шахслар жазони, қоида бўйича, Ўзбекистон доирасида ўтайдилар ва алоҳида ҳолларда улар жазони ўташ учун бошқа иттифоқдош республикаларга тегишли аҳлоқ тузатиш меҳнат муассасаларига жўнатилиши мумкин дейилган.

Ҳозирги кунда бошқа жумҳуриятларга Ўзбекистондан юборилган шахслар совуқ шароитда турли касалликларга чалиниб, ногирон бўлиб қайтишмоқда.

Жумҳуриятимиз саноат корхоналари, қурилишларида ишчи кучи танқислиги сезилиб турган шароитда, уларни шу ерда қолдирилса, бу улар ўз хатоларини тушуниб, қайта тарбияланишларига, уларнинг оила аъзоларига ҳам яхши бўлур эди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, ССЖИ ҳуқуқшунослар уюшмасининг аъзоси.



*

Р. Эргашева Арнасой районидаги М. Улуғбек номли хўжаликда бригадага етакчилик қилади. Жорий йилда у бош бўлган коллектив пахтадан юқори ҳосил етиштирди. Қабул пунктларига 344 тонна хом ашё топширишди.

Деҳқонлар айни кунларда кузги дала ишларини олиб боришаётир. Мавжуд майдонларни шудгорлаш ниҳоясига етказилмоқда.

Суратда: бригада бошлиғи Р. Эргашева.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

*

ВАЪДА БЕРИШДИ-Ю

Китоб районидаги «Варганза» давлат хўжалиги анорчиликка ихтисослашган бўлиб, ҳар йили анчагина даромад олади. Лекин совхоз раҳбарлари ўша маблағларнинг бир қисмини қишлоқ йўлларини асфальтлашга ажратишдан бош тортишмоқда. Хўш, фойда халқники бўлгандан кейин нега сарфлашмас экан, дерсиз? Адашасиз. Эмишки, хўжалик ҳудудидаги йўллар йўл қурилиши ташкилотлари ҳисобига кираркан. Шунинг учун лозим бўлса, уларнинг ўзлари йўлларни таъмирлаб, асфальт қилиб берармиш.

Тўғрисини айтганда, давлат хўжалигининг кўпгина қишлоқларидаги йўллар ўйдим-чуқур бўлиб кетган. Шатри қишлоғидан Бешкалтак қишлоғигача бўлган тўрт чақирим масофа эса ҳалигача асфальтланмаган.

— Шу тупроқ йўлда қатнаётганимга ҳам ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди, — дейди Шатри қишлоқлик шофёр Шукрулла Абдуллаев. — Қишлоғимиз аҳли билан ёрдам сўраб бормаган эшигимиз қолмади. Ҳатто ўзимиз ҳашар йўли билан қуриб оламиз, дедик. Бироқ ваъда беришди-ю, амалга оширишмади.

Ҳозир давлат хўжалиги ва йўл қурилиши ташкилоти хўжалик ичкарисидаги йўллар кимга тегишлилигини аниқлаш билан овора бўлиб, таъмирлаш ва йўл қуриш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Шатри, Бешкалтак ва бошқа қишлоқлар аҳолиси эса қачон йўлларимиз асфальтланаркин, дея умид билан кутиб туришибди. Фикримизча, хўжалик ва йўл қурилиш ташкилотлари раҳбарлари бу масалани ҳамжиҳатлик билан ҳал қилишлари зарур.

А. СУЮНОВ.

«СПОРТЛОТО»

47-тираж якунлари

«Союзспортлото» бирлашмаси «Спортлото»нинг 1990 йил 25 ноябрда бўлиб ўтган 47-тиражи якунларини чиқарди.

Ўзбекистон корхонаси бўйича қуйидаги вариантлар тушди:

«45 дан 6»: — 83077 вариант, 6 номер — йўқ, 5 номер —1 та — 977 сўм, 4 номер — 131 та ютуқ 31 сўмдан, 3 номер — 2083 та — 3 сўмдан.

«36 дан 5: — 818997 вариант, 5 номер — 1 та ютуқ — 10 минг сўм, 4 номер — 257 та ютуқ — 192 сўмдан, 3 номер — 8677 ютуқ — 8 сўмдан.

«Спортлото»нинг 47-тиражи ва 38-дан 47-тиражгача қатнашган 10 тиражли билетлар ютуқ пуллари 1990 йил 15 декабрдан 1991 йил 15 январгача тўланади.

«СПОРТПРОГНОЗ»

Жаҳон шахмат биринчилигининг финал учрашувлари бўйича «С—11» махсус тиражининг натижалари:

1—1, 2—X, 3—X, 4—X, 5—X, 6—1, 7—X, 8—X, 9—X, 10—X, 11—X, 12—X, 13—X,...

Эслатма: биринчи рақам команда жуфтлиги, иккинчи рақам учрашув натижаси.

«Узспортлото».

ОБ-ҲАВО

Ўзбекистон ССЖ об-ҳавони ўрганиш марказидан хабар беришларича, келгуси ҳафтада жумҳурият ҳудудида ҳаво кам булутли бўлиб туради. Иссиқ ҳаво оқимининг кириб келиши натижасида жанубий масканларда кечаси 7—8, кундузи 14—19 даража иссиқ. Қорақалпоғистон МССЖ ва Хоразм вилоятида ҳарорат меъёридан бироз камроқ. Кечаси 3 даража совуқдан 2 даражагача, кундузи 9—14 даража иссиқ. Ҳафтанинг ниҳоясига бориб об-ҳаво хусусияти бирмунча ўзгаради. Ғарбдан кучли шамол эсади. Айрим жойларда ёмғир ёғади. Ҳарорат пасаяди.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР ТАРТИБИ



3 декабрь, душанба

УзТВ-I. 11.30 Физика. 12.00 Телефильм. 12.30 Жўғрофия. 13.00 «Жавоҳирлар маликасига ҳужум». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Тенгдошларинг ижодидан. 18.45 Маорифимиз муаммолари. 19.30 Ахборот. 19.50 Концерт. 20.30 Ахборот. 20.50 Феруза Солиҳова рақсга тушади. 21.30 Время. 22.00 Экран таништиради. 22.50 «Товламачи». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 Ассалому алайкум. 20.05 Спринт. 20.20 Эсдалик учун дастхат. 20.45 Манфаатимиз йўлида. 21.25 Тижорат хабарлари. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 С. Айний номидаги академик опера балет театрининг 50 йиллиги олдидан. 22.05 «Оталар». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Омега» варианти». Бадиий фильм. 1-серия. 10.10 Мультфильм. 11.00 Футбол шарҳи. 11.30 Биз қандай дам оламиз? 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Время. 13.40 Фигурали учиш. Халқаро мусобақалар. 16.00 Концерт. 16.25 Ҳужжатли фильм. 17.15 Болалар соати. 18.15 Табиат ҳозирча бизники. Ҳужжатли фильм. 18.40 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 Биз ва иқтисодиёт. 20.15 «Омега» варианти». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Коллаж. 22.05 «Қор парчалари». Бадиий фильм. 23.25 Муаллифлик телевидениеси. «Юрий Любимнинг кичик фожиалари». 00.40 ТСН. 00.25 «Степан Эрьзанинг уч орзуси».

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 ва 9.55 Табиат сирлари. 9.30 ва 10.40 Тарих. 10.10 Италян тили. 11.05 Билимдонлар учун машқ. 11.50 ва 12.40 Биология. 12.10 «Бурда моден» таклиф этади. 13.00 Халқ куйлари. 13.15 М. Капуро куйлайди. 13.40 «Абу Бакар... Бироз ўзим ҳақимда сўзласам». Ҳужжатли фильм. 14.00 «Қуёш сўзи қандай ёзилади?» Бадиий фильм. 17.25 Ҳужжатли фильм. 18.20 Мусиқий учрашувлар. 18.50 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Мусиқий абонемент. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.15 Телефильм. 21.25 «Айиқлар овунчоғи. 21.45 «Товушли йўлка».

4 декабрь, сешанба

УзТВ-I. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Қувноқ ёлғончи». Мультфильм. 18.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.50 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 19.30 Ахборот. 19.45 Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти. 20.30 Ахборот. 20.50 Суянчим — шеърият. 21.30 Время. 22.00 Тафаккур гулшани. 23.20 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 Қишлоқда аҳволлар қандай? 19.50 «Сузавер қайиқча». Бадиий фильм. 21.00 Қурилиш жабҳаларида. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Ашки зиндаги». Спектакль. 23.00 «Оталар». Бадиий фильм. 2-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Омега» варианти». Бадиий фильм. 2-серия. 10.10 Мультфильмлар. 10.45 «Айбсиз айбдорлар». Ҳужжатли фильм. 11.05 Болалар соати. 12.05 «Ниқобни очиб қара». Бадиий фильм. 1-серия. 12.50 Коллаж. 13.00 Время. 13.40 Шахмат. Жаҳон чемпионати. 13.55 «Бу бизнинг турмуш». Ҳужжатли фильм. 16.00 Концерт. 16.20 А. Фет, Л. Шербинина ўқийди. 16.35 Бор бўл, мусиқа! 17.20 Объектив. 17.55 Ҳужжатли фильм. 18.20 Мультфильм. 18.40 «Ажойиб қиш кунларининг бирида». Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 «Севги ва айрилиқ». 20.15 «Омега» варианти». Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 Время. 22.00 «Ниқобни очиб қара». Бадиий фильм. 1-серия. 22.45 Шахмат. Жаҳон чемпионати. 23.00 Россиянинг парламент хабарномаси. 23.15 «Сўз» бадиий-публицистик программа. 01.15 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп альманах. 9.35 ва 10.35 Жуғрофия. 10.05 ва 11.05 Француз тили. 11.35 ва 12.35 Мусиқа. 12.05 Библиофика. 13.05 «Космонавт Волковнинг ердаги сўқмоқлари». Ҳужжатли фильм. 13.15 Т. Дашкова куйлайди. 13.35 Ритмик гимнастика. 14.05 «Дала ҳовли воқеалари». Бадиий фильм, 1-серия. 17.25 Ҳужжатли фильм. 18.05 Тарих саҳифалари. 18.50 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Биз қул эмасмиз». Ҳужжатли фильм. 21.15 «Қарқара жойини ўзгартирди». Телефильм. 21.25 «Тўсиқ». «Ёшлар рэкети». 21.50 Кичик концерт. 22.00 «Рингга чақирилади». Бадиий фильм. 23.25 Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 01.00 Хоккей. «Спартак» — «Динамо» (М).

5 декабрь, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Биология. 12.00 «Шифобахш сувлар водийси». «Ток новдаси». Телефильмлар. 12.30 Кимё. 13.00 «Революция ваколати билан». Бадиий фильм, 1-серия. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 Қувноқлар даврасида. 19.00 Инсон ва қонун. 19.30 Ахборот. 19.50 Қадрият. 20.20 Тижорат хабарлари. 20.30 Ахборот. 20.50 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, бастакор Қаҳрамон Комилов. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон халқ артисти С. Хўжаевнинг 80 йиллигига. 22.55 «Бузоқ йили». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 Ҳар бир уй учун. 19.35 Давр тақозоси билан. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Санъат рекламаси». 21.10 «Театр — менинг ишим». Телефильм. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 Ҳаётий деҳот. 22.40 «Владимир Висоцкий». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Омега» варианти». Бадиий фильм, 3-серия. 19.20 Мультфильмлар. 10.45 Хоккей. «Спартак» — «Динамо» (М). 12.05 Бу бўлган... бўлганди. 12.25 «Ниқобни очиб қара». Бадиий фильм, 2-серия. 13.00 Время. 13.40 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. 16.00 «Бир варақ оқ қоғоз». Ҳужжатли фильм. 16.30 Мусиқий хазина. 17.05 Болалар соати. 18.05 «6-километрда концерт». Ҳужжатли фильм. 18.30 Мультфильм. 18.50 Фотоконкурс. 18.55 «Резонанс». 19.55 Концерт. 20.10 «Омега» варианти». Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 Время. 22.00 Коллаж. 22.05 «Ниқобни очиб қара». Бадиий фильм, 2-серия. 22.40 «Овози мен учун...». Ҳужжатли фильм. 23.40 «Вид». 01.10 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Табиат сирлари. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Умумий биология. 12.05 Библиофика. 13.05 «Ялта—91». 13.15 — Манеждан манежгача. 13.25 «Ов». Ҳужжатли фильм. 13.45 Циркни ҳамма севади. 14.10 «Дала ҳовли воқеалари». Бадиий фильм, 2-серия. 17.25 София филармонияси. 18.10 «Урушсиз ўтган 20 кун». Қиссадан парчани К. Симонов ўқиган. 18.40 «Млада» хорининг чиқиши. 19.00 Время. 19.30 Коллаж. 19.35 Мультфильм. 19.55 Ҳужжатли фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.15 «Муҳандислар қасри». Телефильм. 21.25 «Сохта деҳқон портрети». 21.45 Р. Шуман. «Ажиб манзаралар». 22.00 «Даҳонинг ёшлиги». Бадиий фильм. 23.25 Фильм-концерт. 24.00 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида. 01.00 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви.

6 декабрь, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Болалар учун фильмлар. 12.00 «Революция ваколати билан». Бадиий фильм, 2-серия. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.25 Санъат ғунчалари. 19.00 Алифбо сабоқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Ҳожиакбар Ҳамидов ва Дилором Шукуржонова концерти. 20.30 Ахборот. 20.50 Маърифатнома. 21.20 Манзарали фильм. 21.30 Время. 22.00 Мерос «Бобурнома»нинг 460 йиллигига. 23.00 Кино, кино...

УзТВ-II. 19.05 «Тошкент» студияси. 21.15 «Шогирдларнинг даври». Ҳужжатли фильм. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Шашмақом». Конкурс программаси. 23.00 «Сизга эркинлик бериш учун келдим». Телефильм.

МТ-І. 7.00 «120 минут». 9.00 «Омега» варианти». Бадиий фильм, 4-серия. 10.15 Болалар соати. 11.15 Ҳайвонот оламида. 12.15 «Ниқобни очиб қара». Бадиий фильм. 3-серия. 12.55 Коллаж. 13.00 Время. 13.40 Шахмат. Жаҳон чемпионати. 13.55 «Степан Эрьзанинг уч орзуси». 14.10 Концерт. 15.00 Ҳужжатли фильм. 16.10 Компьютер билан мулоқот. 16.55 «Усталар ҳақида уч новелла». Ҳужжатли фильм. 17.45 Мультфильм. 17.55 Сиёсий мулоқотлар. 18.25 «16 ёшгача ва ундан катталар...». 19.10 Иқтисодиёт ва экология. 20.10 Концерт. 20.20 «Омега» варианти». Бадиий фильм, 5-серия. 21.30 Время. 22.00 «Ниқобни очиб қара». Бадиий фильм. 3-серия. 22.40 «Телескоп» 00.10 ТСН. 00.25 «Танишиб олайлик». Халқаро телевизион фестиваль. 01.10 Шахмат. Жаҳон чемпионати.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп альманах. 9.35 ва 10.35 Табиатшунослик. 9.55 ва 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 ва 11,05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Биология. 12.05 Рус тили. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.15 Ритмик гимнастика. 13.45 «Одамлар менга қўшиқ ҳадя этишди». Ҳужжатли фильм. 14.15 «Дала ҳовли воқеалари». Бадиий фильм, 3-серия. 17.25 Мультфильмлар. 17.55 «Рақсга бахшида умр». 19.00 Время. 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Бу ғаройиб шведлар. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Коллаж. 20.50 Ҳужжатли фильм. 21.15 Телефильм. 21.25 Ҳужжатли фильм. 21.40 Концерт. 22.00 «Юлдузи юлдузига тўғри келмади». Бадиий фильм. 23.20 «Биз қамални ёриб чиққанмиз». Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида.

7 декабрь, жума

УзТВ-I. 11.30 Зоология. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Биология. 13.00 «Революция ваколати билан. Бадиий фильм, 3-серия. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Ўзбекистон саноати: моддий техника ресурсларидан оқилона фойдаланайлик. 18.40 «Қўшиқ айтиш — орзуим». 19.30 Ахборот. 19.45 Ўзбекистон ССЖИ Ички ишлар вазирлиги хабар қилади. 20.00 Тижорат хабарлари. 20.10 Илмий мулоқотлар. 20.30 Ахборот. 20.50 Дилрабо концерт. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида. 23.00 «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда» (давоми). **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Ранда». 22.40 «Ғаройиб воқеа». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Омега» варианти». Бадиий фильм. 5-серия. 10.10 «Сўз». 12.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.00 Время. 13.40 «Цам». Мўғул байрами. 14.10 Л. Тимофеева чалади. 16.00 Мультфильм. 16.15 Ҳужжатли фильм. 16.40 Яшил чироқ. 17.15 Концерт. 18.00 «ТелеЭКО» журнали. 18.30 «Ферскотти» группаси билан учрашув. 19.00 Время. 19.30 Нодипломатик суҳбатлар. 19.55 Ҳужжатли фильм. 20.25 «Вид». 21.25 Коллаж. 21.30 Время. 22.00 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра. 22.15 Бу бўлган... бўлганди... 22.35 «Вид». 01.35 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп альманах. 9.35 ва 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.55 ва 10.55 Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Жуғрофия. 12.05 Онам, дадам ва мен. 13.05 Концерт. 13.15 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.20 Концерт. 14.10 «Дала ҳовли воқеалари». Бадиий фильм, 4-серия. 17.25 Спорт ҳамма учун. 17.40 Лидия Русланова хотира кечаси. 18.55 Коллаж. 19.00 Время. 19.30 Яҳудий мусиқа ва қўшиқлари фестивали. 20.20 Долзарб интервью. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. 21.15 «Жайронлар ороли». Телефильм. 21.25 Эстрада рақслари замонавий йўналиши 22.00 «Келгинди». Бадиий фильм. 23.35 «Маррани аниқ олиш». Телефильм. 24.00 ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида.

8 декабрь, шанба

УзТВ-I. 8.00 Ассалому алайкум. 9.00 «Барбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм, 1-серия. 10.10 Ўзбекистон композиторлари уюшмасининг IV Пленуми. 10.50 Шахсий ёрдамчи хўжаликларга кенг йўл. 11.30 «Қиёмат қарз». Спектакль. 13.05 «Мураббий ўгитлари». 13.35 Деҳқон ва замин. 18.05 Мультфильм. 18.15 Тенгдошлар. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Концерт. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Ҳафтанома. 21.30 Время. 22.00 Ўзбекистон Компартияси XXII съездида. 23.00 «Беором кун». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Сафту калом. 9.55 «Авлодлар». Телеспектакль, II-қисм. 10.55 Шарқона беллашувлар. Нинза. 11.25 Кинопрограмма. 18.05 Мутлақо сир эмас. 18.45 Мультфильм. 19.00 Новости. 19.20 Кинолавҳа. 19.30 Дар меҳмони панзоб. 20.30 Ахбор. 20.50 Концерт. 21.30 Время. 22.40 «Рустам ҳақида достон». Бадиий фильм.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Онам, дадам ва мен. 9.35 Умринг боқий бўлсин, Ер!». 10.35 Тижорат хабарномаси. 11.05 «Пи» белгиси билан. 12.05 «Бурда моден» таклиф этади. 12.35 «Ана шунақа гаплар». Бадиий фильм. 14.15 «XX аср ташвишли давр хроникаси». Кинопрограмма. 15.25 Мусиқий фильм. 16.20 «Болакай ва шуъла». Мультфильм. 16.30 Концерт. 18.00 Халқаро панорама. 18.45 «Бечора Гусар ҳақида бир оғиз сўз айтиб қўйинг». Бадиий фильм, 1-серия. 20.00 ССЖИ ҳукуматида. 20.10 «Бечора Гусар ҳақида бир оғиз сўз айтиб қўйинг». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Ҳужжатли фильм. 22.25 Россия парламенти хабарномаси. 22.40 Илмий-оммабоп фильм. 23.05 Халқаро телевизион фестиваль. 01.20 ТСН.

МТ-II. 8.30 Бадантарбия. 8.45 Мультфильм. 9.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 9.20 «Оддий даҳшат». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 11.20 Рус тили. 11.50 «Кимга қон керак?». Донорлик ҳақида. 18.50 «Элизабетни кутиб». Бадиий фильм. 20.00 Майдон. 21.00 Халқаро конкурс совриндорлари. В. Бакк ижро этади. 21.15 Телефильм. 21.30 Время. 22.00 ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида. 22.30 ва 23.30 Композитор А. Морозов ижодий кечаси. 23.45 Коллаж 00.25 Киноконцерт. 02.10 Қисқа метражли бадиий фильмлар.

9 декабрь, якшанба

УзТВ-I. 8.00 Ҳафтанома. 9.00 «Барбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм, 2-серия. 10.00 Саҳна табассуми. 10.45 Мультфильм. 11.00 «Эски Жўва гаврошлари». Спектакль. 12.20 Алифбо сабоқлари. 12.50 Саломат бўлинг. 13.35 Йўловчилар манфаатини кўзлаб. 13.45 Сифатли тола учун. 14.15 Андижоннинг мева-сабзавот конвейери. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Кичкинтой». 18.45 Оламга саёҳат. 19.30 Ахборот. 19.50 «Тановар» ансамбли концерти. 20.30 Ахборот. 20.50 Якшанба оқшомида. 21.30 Время. 22.00 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Сапеда. 10.05 Реклама. 10.15 Болалар учун кўрсатув. 10.45 «Санам». Бадиий фильм. 17.45 «Санам». Бадиий фильм. 19.00 Адабий кўрсатув. 20.00 «Ҳафта». 20.30 Концерт. 21.30 Время. 22.00 Концерт. 23.20 Телетомошабин ҳамроҳи.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Здоровье. 13.45 «XX аср: ташвишли давр хроникаси». Бадиий-публицистик фильм, 2-серия. 15.15 Қишлоқ янгиликлари. 16.15 Педагогика ҳамма учун. 17.15 Мультфильмлар. 17.45 Янги авлод ўзи танлайди. 19.00 «Альфред Нобелнинг XX асри». 20.00 «Шантаж». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Оддий ва мангулик ҳақида. 22.15 П. И. Чайковскийнинг 100 та романси. 22.35 Қўғирчоқ фильм-концерт. 23.25 Нима? Қачон? Қаерда? 00.25 Шахмат. Жаҳон чемпионати.

МТ-II. 8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Мультфильм. 9.05 «Горькийнинг дўсти Андреева». Илмий-оммабоп фильм. 10.05 «Қиялликда». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 14.15 Ўзбекистон телевидениеси «Дўстлик» видеоканали. 16.45 «Ўзи ва у». Спектакль. 18.45 «Планета». 19.40 Эстрада томошалари. 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Коллаж. 21.05 «Дарёни менга беринг». Ҳужжатли фильм. 21.30 Время. 22.00 «Тутиб олса, қўймайди». Бадиий фильм. 23.10 Бадиий гимнастика. Халқаро мусобақа.

Жумҳуриятимиз маданий ҳаёти

«...ФАРЗАНД ДЕР ЭДИ»

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига



Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган ҳар бир воқеанинг аниқлаш қанчалик аҳамиятли бўлса, унинг устозларини ва суҳбатдошларини ҳақида кенг сўз юритиш ҳам шунчалик муҳимдир. Навоий мухлисларини унинг устозлари Мавлоно Лутфий ва Абдураҳмон Жомий ҳақида кўпгина маълумотга эга. Шу билан бир қаторда унинг устозларидан бўлмиш Фасеҳиддин Муҳаммад Низомий Ҳиравий, ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий Самарқандийлар ҳақида ҳам билишни истайди, албатта. Алишер Навоий бу икки устози ҳақида ўзининг асарларида, хусусан «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида самимият билан сўз юритади.

Маълумки, Абулайсийлар хонадони қадимий Самарқандда майдонга келиб, бу табаррук хонадоннинг атоқли вакиллари ўзларининг фиқҳшунослик (қонуншунослик), тилшунослик, адабиётшунослик соҳасидаги фаолиятлари билан Шарқнинг ислом илми ва маданияти тарқалган ўлкаларда катта обрў ва эътиборга сазовор бўлган эдилар. Бу жиҳатдан шу хонадоннинг асосчиси Абу Лайс ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Самарқандий (X аср)нинг амалга оширган ишлари, ёзган асарларини эслатиш жоиз. Қонуншунос (фақеҳ) Абу Лайс маълум муддат Самарқанднинг шайх ул-исломи лавозимида бўлган ва илмий-ахлоқий асарлар ёзиш билан ҳам шуғулланган. Унинг «Бўстон ул-орифин» («Билимдонлар бўстони»), «Танбеҳ ул ғофилин» («Ғофилларга танбеҳ»), «Хазинат ул-фиқҳ» («Фиқҳ қонуншунослик хазинаси») каби китоблари мусулмон мамлакатларида эътироф этилган қимматбаҳо асарлардир .Чунки уларда фиқҳ—қонуншунослик масалалари билан бирга инсон ахлоқи ва одоби билан боғлиқ кўпгина муаммолардан баҳс юритилиб, инсонларни олижаноблик ва инсонийлик руҳида тарбиялашдек муҳим ният ифода этилган.

Абулайсийлар хонадоннинг XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг аввалида яшаб, турли соҳада фаолият кўрсатган вакиллари ҳақидаги маълумотлар XV асрда яратилган манбаларда кўзга ташланади. Жумладан, «Зафарнома»нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий Амир Темур ҳокимиятининг дастлабки вақтлари (1370 йиллар, ҳақида маълумот бериб, ўша даврнинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган Хонзода Абулмаолий Термизий, Амир Мусо (Сароймулкхонимнинг тоғаси) билан бирга шайх Абулайс Самарқандийни ҳам эслатиб ўтади. Ёки Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида Шоҳрух ва Улуғбекларнинг ишончли амалдорларидан бири сифатида Абу Лайс тилга олинганки, у аввал Астробод кутволи (шаҳар соқчи гуруҳларининг бошлиғи) бўлиб ишлаган бўлса, кейинчалик Андижонда хизмат қилган. Демак Абу Лайс ҳарбий соҳанинг вакили бўлган.

Абулайсийлар хонадонининг бу даврда илм ва адабиёт соҳасида кўзга кўринган вакили ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий эди. Афсуски, ҳозирча бизга у ҳақда кам маълумот етиб келган. Аммо манбаларда ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий «Мовароуннаҳр акобирларидан» бири (Абдураззоқ Самарқандий) даврининг Абу Ҳанифаи сонийси (Алишер Навоий) ибн Ҳожиби, Абу Али Синоси (Хондамир) хуллас, аълами уламо тарзида тилга олинади. Бундан ташқари у Улуғбек мирзо наздида жуда эътиборли алломалардан бири эди. Шунинг учун ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий мирзо Улуғбек билан бирга бир неча марта Ҳиротда Шоҳрух мирзо ҳузурида бўлиб, у ерда икки ойлаб қолиб ҳам кетган. Бу вақтда Шоҳрух Мирзонинг амиру акобирлари, жумладан Ғиёсиддин баҳодир (Алишер Навоийнинг отаси) билан ҳам учрашган ва таниш кўринади. Улуғбек фожиасидан сўнг ҳам ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий Самарқанддаги аждодлари яшаган фақеҳ Абулайс гузарида бино қилинган хонақосида толиби илмларга фиқҳ-тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича дарс айтишни давом эттирган. Толиби илмлар қаторида Алишер Навоий ҳам бор эди.

Алишер Навоий Абу Саид Мирзо салтанати даврида Ҳиротда бўлганида бу темурийзода подшоҳнинг сиёсати, ўтказаётган жабру зулми билан келиша олмайди, унга қарши курашаётган дўсти Ҳусайн Бойқаро билан алоқада эди, тоғалари ҳам унинг тарафида бўлардилар. Булар эса Абу Саид мирзонинг Навоийга нисбатан шубҳасини оширардилар. Шунинг учун у Навоийни Ҳиротдан сургун қилишга қарор қилди. Бу вақтда отахони Сайд Ҳасан Ардашер ҳам Ҳиротдан узоқда эди. Шунинг учун Навоий унга шошилинч тарзда сафарга отлангани сабаблари баён қилинган машҳур маснавийсини битади. Ана шу маснавийда Ҳуросондаги оғир аҳвол, унинг қобилиятининг қадрланмаганлиги тўғрисида фикр юритадида «сулук... йўли»даги «муршиди комил»ни истаб «ўзини анга топшириш» учун йўлга чиққанини баён қилади. Бу даврда, яъни 1456-1466 йилларда эса «сулук йўли»нинг «муршиди комили» Самарқандда эди. У ҳам бўлса, ҳожа Убайдуллоҳ — ҳожа Аҳрор Валий эди. Мана шу ишора унинг Самарқандга отлангани ва кейинчалик эса ўзи «фақир таҳсил учун Самарқандга борғонда» тарзида эслагани ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Шундай қилиб, ҳам ҳожа Убайдуллоҳ «муршиди комил»дан, ҳам аълами уламо ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсийдан таҳсил олиш, Амир Темур пойтахти, Мирзо Улуғбек мактабининг масканини зиёрат қилиш Ҳиротдан ихрож — сургун қилинган Алишерни Самарқандга отлантирган эди. Алишер Навоий Ҳиротдан Балх йўли, ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубидаги Термиз орқали Қаршига, ундан Шаҳрисабзга келди. Кейинчалик Самарқанддан Ҳиротга қайтишда ҳам шундай бўлди. Бинобарин, Термиз, Қарши ва Шаҳрисабзда — Алишер Навоий пойқадами теккан шаҳарларда шоирнинг 550 йиллиги муносабати билан «бу шаҳарларда улуғ шоир бўлган, пойқадами теккан» мазмунида тегишли жойларга ёдгорлик лавҳалари ўрнатилса, олижаноб иш бўларди.

Шундай қилиб, Навоий 1465—1466 йили Самарқандга етиб келади. Бу даврда Мовароуннаҳр ҳокими султон Аҳмад мирзо (султон Абу Саид мирзонинг ўғли) бўлсада, унинг ёшлиги туфайли бутун иш Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Вафоий томонидан олиб бориларди. Аҳмад Ҳожибек бундан олдин ўн йиллар давомида Ҳирот ҳокими бўлган, яхшигина шоирлик қобилиятига эга бўлгани учун Вафоий тахаллусини қабул қилган эди. Шу билан бирга у ободончилик ишларига эътибор берар эди. Алишер Навоий Самарқанддалиги вақтида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, унинг «мураббий ва муқаввийси (ҳомийси) ана шу Аҳмад Ҳожибек Вафоий эди. Алишер бу киши кўмагида ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий хонақоҳидан ҳужра олиб, икки йил шу ерда яшаб, машҳур олимдан тилшунослик, адабиётшунослик, фиқҳ-қонуншуносликдан сабоқ ўрганди. Ўзининг қобилияти туфайли устозининг эътиборини қозонди ва шу даражага етдики, ҳожа Фазлуллоҳ Абулайсий уни «фарзандим» дер эди. Бу ҳақда Навоий ёзади: «Фақир икки йил аларнинг қошида сабоқ ўқуб эрдим, онча илтифотлари бор эрдиким, фарзанд деб эрдилар». Алишер Навоий худди шу жойда андижонлик Бадиий тахаллусли мавлоно Юсуф ҳамда мавлоно Сафоийлар билан дўстлашади ва улар устозининг сабоқларидан баҳраманд бўлдилар. Навоий мавлоно Юсуф Бадиий шеърларидаги хомликларни кўрсатиб, таҳрир қилар ва дўстининг бу соҳада камолотга эришувига ёрдамлашарди. Шу туфайли мавлоно Юсуф Бадиий кейинчалик Навоий ибораси билан айтганда, «шеърни яхши» айтувчи ва арузни, муаммони билгувчи даражасига етган эди.

Алишер Навоий Абулайсийлар хонадонида экан, ўша даврдаги Самарқанднинг мадрасаи Хоним, Улуғбек, Амир Шоҳмалик, Фирузшоҳ, Аҳмад Ҳожибек ва Қутбиддин садр мадрасаларидаги (буларнинг кўпи ҳозирги кунда сақланмаган ва жойи ҳам аниқ эмас) толиби илмлар билан бордикелди қилар, бу мадрасалардаги Аълойи Шоший, Муҳаммад Олим Самарқандий, Хожа Хурд Самарқандий каби мударрисларнинг билимдонликларидан баҳраманд бўлардилар. Риёзий, Мирзо Ҳожи Сўғдий, Ҳаримий, Самарқандий, Мирзобек, Шайхим Суҳайлий каби қалам соҳибларидан дўстлар орттирди. Мирзо Ҳожи Сўғдийнинг

Ухшатти қоматингга
санавбарни боғбон,
Бечора билмас эрмиш
алифни таёқни, —

байти Алишер Навоийга маъқул тушибгина қолмай, балки юқори баҳосига ҳам («ҳеле сўз ранги ва чошниси бор») сазовор бўлган эди. Ҳаримий Самарқандийнинг ўйноқи ва равон байтлари ҳақида шундай мулоҳаза баён этган Навоий унинг:

Неча йиғлай шамдек
ҳажрингда ёрим кечалар,
Оҳким, куйдирди доғи
интизорим кечалар.

байти билан бошланадиган ғазалига жавобия ҳам битди. Бу жавобиянинг матлаъ ва мақтаси қуйидагича:

Икки зулфинг хаста
кўнглимга
қоронғу кечалар,
Зайфидин беҳудлигим
уйқу анга
бу кечалар.
...Эй, Навоий,
чарх янглиғ истар
ўлсанг субҳи васл,
Тонггача ашк
ахтарин тўкмай
бўлурми кечалар.

Алишер Навоий Самарқандда эканлигида ғазал, муаммо, қасида каби жанрларда шоён ижод қилди.

Алишер Навоийнинг мавлоно Аълойи Шошийга бағишлаб ёзган тожикча муаммоси, Аҳмад Ҳожибек Вафоийнинг ғазалларига битган жавобиялари ҳам шу даврнинг маҳсули. Алишер Навоий донишманд мударрис Аълойи Шошийнинг сўҳбатидан баҳраманд бўлиш учун келганида у ҳазрат оёқ оғриғи билан ётиб қолган экан. Шунда Навоий мударрисининг номи (Аъло) яширинган қуйидаги муаммони битиб қолдирибди:

Дур бод аз ту дарду
заҳмати по,
Душмантаро бало
насиби ано.

Мазмуни: Сендан оёқ оғриғининг дарди ҳам, азоби ҳам узоқлашсинда, улар душманингга насиб этсин.

Аълойи Шоший ҳам ўз навбатида Алишер номи яширинган муаммони ёзиб, Навоийга жўнатади. Булар шундан гуворлик берадики, Алишер Навоий Самарқандда ҳам зулисонайнлик анъаналарига амал қилиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган.

Алишер Навоийнинг Самарқанд даври ижодидан яна бири унинг ёш дўсти, Аҳмад Ҳожибек мадрасасининг толиби илми Мирзобекнинг:

Кўзунг не бало қаро
бўлубдур,
Ким жонга қаро бало
бўлубдур, —

байтини давом эттириб ёзган ғазалидир:

Мажмуи давони дард
қилдинг,
Дардингки манга даво
бўлубдур.
...То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубдур.

Шуниси муҳимки, ижодий ҳамкорлик ва инсоний олижаноблик натижаси сифатида майдонга келган бу ғазал, бир томондан Мирзобек номини тарих саҳифасида абадий қолдирди, иккинчи томондан эса ёш вафот этган Мирзабек хотирасига бунёд этилган бадиий обида ҳамдир. Бундай ниқоятда бағри кенглик ва одамийлик Навоийнинг улуғвор сиймосини янада мўътабарроқ қилиб кўрсатади. Бу бировни ўзидан устунроқ қўйиш, бировга хизмат қила олиш каби ахлоқий негиздан келиб чиқадики, бу ўша давр нақшбандиясининг машҳур муршиди комили — ҳожа Убайдуллоҳ — Ҳожа Аҳрори Валий ақидаларининг асосини ташкил этарди. Демак, Навоий, Самарқандда эканлигида Абулайсийларнинг забардаст вакили хожа Фазлуллоҳ Абулайсий билан учрашиб, суҳбатлашиб турадиган Хожа Аҳрори Валий билан ҳам мулоқотда бўлиб унинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган ва уларнинг мазмунини ўз ижодига сингдира борган, ўзига нисбатан эса эътиқоди кучайган. Шунинг учун кейинчалик «Ҳайрат ул-аброр» достонида унинг ҳақида ёзган эди.

Улки бу офоқ ичида
тоқ эрур,
Ток неким муршиди
офоқ эрур...

«Насойим ул-муҳаббат» асарида эса Хожа Аҳрори Валийнинг фақир (яъни Навоий) била илтифотлари кўп» — деб таъкидлаган эди.

Кўринадики, Алишер Навоий Абулайсийлар хонадонида бўлган вақтида фақат таҳсил олиш билан чекланиб қолмай, балки ўша даврнинг илмий-адабий муҳитида фаол қатнашган, ўрганган ўргатган, илҳом олган ва бошқалар илҳомига боис бўлган эди. Бу эса Самарқанднинг ўша даврдаги кўркам иморатлари, машҳур Кўксарой, Улуғбек расадхонаси, Чиннихонасию Шоҳизинда ҳамда қатор мадрасалари, савдо марказларию ҳар маҳалладаги озода ва шинам ҳаммомлари, Самарқанднинг бозорию боғу бўстонлари — Боғи баланд, Боғи майдон, Боғи шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Нақши жаҳонлари, Кўҳак (Чўпонота) тепалигию, Кўҳак суйи (Зарафшон) шу билан бирга қўли гул моҳир чеварлари, усталари, наққошлари, тикувчию тўқувчилари, нонвою ҳолвагирлари — ҳамма-ҳаммасини кўриш, завқланиш натижасида майдонга келган эди. Бу фикрни Алишер Навоийнинг кейинчалик яратган нодир бадиий қомуси «Хамса»сида Самарқанд билан боғлиқ жойларни самимият билан куйлагани, «Самарқанди фирдавс монанд» тарзида улуғлагани ҳам тасдиқлайди. Жумладан!

Ва лекин бу рудеким
дерлар Кўҳак,
Ки йўқ равзанинг наҳри
эрканга шак...
Ҳамул пуштаеким Кўҳак
топди ном,
Не пушта жаҳон ганжи
узра тилсим.
Ушоқ тош анга лаълу
инжу киби,
Яшил сабзаси чархи
мяну киби...

Ёки:

Темурхон наслидин
султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади
султон анингдек.
Расадким боғламиш
зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир
осмондур.

Хуллас, Навоийнинг Абулайсийлар хонадонида — Самарқандда бўлгани унинг турли фанлар — нужум, фалакиёт, ҳандаса (Улуғбек мактабининг ютуқлари), қонуншунослик, тилшунослик, адабиётшунослик ва шеърият қонунлари ҳақидаги билим доирасини кенгайтириб, ўша замоннинг улуғ сиймолари — хожа Фазлуллоҳ Абулайсий, ҳожа Убайдуллоҳ — Хожа Аҳрори Валий, шоирлари ва адиблари билан танишуви, дўстлашувини, ижодий ҳамкорликда бўлишини таъминлади. Навоий 1469 йилда Ҳиротга қайтиб, давлат арбоби сифатида фаолиятини бошлаганда ҳам ва умуман умрининг охиригача бу хонадонни унутмади. Самарқанд билан алоқасини янада мустаҳкамлади. Шунинг учун кўпгина самарқандлик алломаю шоирлар Ҳиротга борганда Алишер Навоий илтифотларидан баҳраманд бўлардилар. Абулайсийлар хонадонининг икки вакили — хожа Фазлуллоҳ Абулайсийнинг фарзанди Хожа Хованд Абулайсий ва шу хонадонга мансуб ҳожа Абулқосим Абулайсий шулар жумласидан. Буларнинг иккови ҳам Навоий илтифотларидан баҳраманд бўлгани учун ўз миннатдорчилигини Навоийга бағишлаб китоблар ёзиш билан ифода этганлар. Масалан, Хожа Хованд ибн Фазлуллоҳ Абулайсий «Ҳошияи мифтоҳ» ва «Ҳошияи талмеҳ» асарларини, Хожа Абулқосим Абулайсий эса «Ҳошияи мутаввал» асарини Навоийга бағишлаганлар. Демак, Абулайсийлар хонадонининг бу икки намояндаси Алишер Навоий кўмагида шу хонадоннинг илмий анъаналарини давом эттирганлар.

Самарқанд Алишер Навоийни ҳамиша улуғлайди ва унинг хотирасини абадий ардоқлайди. Шу боис улуғ шоирнинг табаррук 550 йиллик тўйи муносабати билан жумҳуриятимиз раҳбариятининг қарорига кўра унинг уй-музейи қурилмоқда. Абулайсийлар хонадони жойлашган маҳалла обод қилинмоқда. Навоий яшаган ҳужранинг рамзий тимсоли тикланмоқда.

Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ,
филология фанлари доктори.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигига бағишланади

4, 5, 18 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

М. БУРХОНОВ.

«АЛИШЕР НАВОИЙ»

(3 парда, 6 кўринишли опера)

УИҒУН ва ИЗЗАТ СУЛТОНнинг шу номли пьесаси асосида М. БУРХОНОВ либреттоси.

Мусиқа раҳбари ва дирижёр — Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ғ. ТЎЛАГАНОВ.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти совриндори Б. ИЎЛДОШЕВ.

Режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби О. УЗОҚОВ.

Рассом — Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятида хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. ШОРАҲИМОВ.

Хормейстерлар — Л. ШИЛЬКРУТ, М. ЯНДРИНСКАЯ.

Балетмейстер — ССЖИ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти лауреати Г. ИЗМАЙЛОВА.

Балет костюмлари рассоми — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими ССЖИ Давлат мукофоти совриндори З. КУРИШ.

Концертмейстерлар — Ўзбекистон ССЖ да хизмат кўрсатган артист С. ПАРКОВА, Н. ВОЛОХ.

Режиссёр ёрдамчиси — Х. ХЎЖАЕВ.

НАВОИЙ — Ўзбекистон ССЖ да хизмат кўрсатган артист Т. ҲУСАНОВ, Ш. ҒАФУРОВ.

ГУЛИ — Жумҳурият вокалчилар танлови совриндори Ш. ТЎХТАБОЕВА, Ю. АБДУЛЛАЕВА, М. МАМАТОВА.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист А. БОЗОРОВ, Ш. ЗИЯМУҲАМЕДОВ.

Мажиддин — М. МЕЛИЕВ, Р. ДАДАБОЕВ.

Патталар сотилмоқда.

СИРТДАН ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент политехника институтининг саноат ва граждан қурилиши факультети саноат ва граждан қурилиши ва гидротехника иншоотлари ихтисосликлари бўйича сиртдан таълим олаётган 1—6 курс талабалари учун барча фанлардан

ҚИШКИ ИМТИҲОН СЕССИЯСИ

УТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

СЕССИЯ

1 курсда 07.01 дан 20.01.91 гача,
2 курсда 14.01 дан 27.01.91 гача,
3 курсда 04.02 дан 24.02.91 гача,
4 курсда 04.02 дан 24.02.91 гача,
5 курсда 03.12 дан 23.12.90 гача,
6 курсда 07.01 дан 27.01.91 гача.

ЎТКАЗИЛАДИ.

Uzintrans

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА АЛОҲИДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Агар Сизда ўз маҳсулотингизни чет элга олиб чиқиш билан боғлиқ муаммо пайдо бўлган бўлса;
Агар рўзғор буюмларингизни чет элга жўнатиш керак бўлса;
Агар сиз халқаро юк ташиш масалаларни бўйича малакали маслаҳат олмоқчи бўлсангиз;
Агар Сиз тажрибали халқаро экспедитор хизматларига муҳтож бўлсангиз;
Агар Сизда чет эл автомототехникасини, гараж ускуналарини, эҳтиёт қисмларни сотиб олишга зарурат бўлса;
Агар Сиз чет элдан исталган турдаги юк ташиб келтирмоқчи бўлсангиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВАЗИРЛИГИ

«УЗИНТРАНС»

ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

Манзилимиз: 702312, Тошкент шаҳри, Бектемир ноҳияси, Жўрабек Остонов кўчаси, 25-уй, «Узинтранс»
Телефонлар: 90-36-03, 90-70-24.
Телетайп: 116135 «ТРАССА».
Телефакс: 90-36-03.
Юк ташиш учун — тариф асосида сўмларда ва эркин конверсияланадиган валютада ҳақ тўланади.

ҲУВАЙДОНИ ХОТИРЛАБ

Гўзал Фарғонанинг сўлим Чимёнида қишлоғида шоир Ҳувайдо яшаб ижод этган. Ҳозир Ҳувайдо оромгоҳи халқ зиёратгоҳига айланган. Бу ерда ижодкорга бағишлаб адабий анжуманлар, турли кечалар уюштирилмоқда.

Чимёнда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг олим ва талабалари шоир авлодлари билан учрашдилар. Шундай суҳбат бу ердаги 12-ўрта мактабда ҳам бўлиб ўтди. Мактаб директори Нўъмонжон Орипов кўп йиллардан буён Ҳувайдо ижоди ва унинг ҳаёт йўлини ўрганиб, шоир авлодлари шажараси билан яқиндан шуғулланиб келяпти. У учрашувда Ҳувайдо ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб, таклиф, мулоҳазаларини ҳам айтди.

— Ҳувайдо Ватанида туриб, уни ҳозиргача яхши билмаймиз, — дейди Фарғона педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети кафедраси мудири, филология фанлари номзоди М. Мадғозиев. — Чимёнда Ҳувайдо ижодини ўрганиш мактабини очиш керак. У буюк шоир ва файласуф.

Кечанинг ҳурматли меҳмони, Ҳувайдо авлодларидан бўлган Ўлмас Муқимов шоирнинг насиҳатомуз ғазаллари ҳамда ўзи ёзган шеърларидан ўқиб берди. Бу заҳматкаш инсоннинг саъйи-ҳаракати билан Ҳувайдо мақбараси қайта тикланди.

Учрашувда шоир меросини ўрганиш, унинг қабрини обод этиш, уй-музей ташкил этишга ҳаракат бошланганлиги айтиб ўтилди. Шунингдек, Фарғона ноҳиясининг Карл Маркс номли жамоа хўжалигида агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси билан Ҳувайдо хотирасига бағишлаб адабий-бадиий ва мусиқавий кеча ўтказилди.

Б. ВАЛИЕВ.



П. И. Чайковскийнинг таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ўтказилаётган «Па-Де-Де» Бутунittифоқ фестивалига энг машҳур саҳна юлдузлари ташриф буюришган. Бу кўрик бугун ниҳоясига етади.

Суратда: спектакль намойишидан сўнгги қутлов пайти. (Чапдан ўнгга) Ўзбекистон халқ артисти Навоий номли академик Катта театри дирижери Ҳамид Шамсуддинов, Белоруссия ССЖда хизмат кўрсатган артист Инесса Душкевич, Ўзбекистон ССЖ халқ артисти Иброҳим Юсупов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Турсунов.

А. РИСҚИЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ГУВОҲНОМА ОЛИШДИ

Ўзбекистон Ахборот агентлиги қошида очилган таржимонлар мактабининг дастлабки гуруҳи ўқишни тугаллаб гувоҳномалар олишди.

Турли муддатларда ўқиш учун келган тингловчилар билан асосан амалий машғулотлар ўтказилди. Таржима бўлимининг малакали муҳаррирлари корхона ва ташкилотларда ўзбек ва рус тилларида иш юритиш вақтида қўлланиладиган сўз ва иборалар, маъруза ва матнларни ёзиш ҳамда таржима қилиш маҳоратидан сабоқ бердилар.

(ЎзТАГ).

СОВҒА

Фарғона вилояти Сўх ноҳиясининг марказида тоғли Сўх қишлоғида янги маданият уйи очилди.

Икки қаватли кенг ва ёруғ бинога тўрт юз ўринли томоша зали, тўгарак машғулотлари олиб бориладиган хоналар, кутубхона ва қироатхона жойлашган. Маданият уйи Сўх ноҳиясини ижтимоий ривожлантириш режаларига мувофиқ қисқа муддатда бунёд этилди.

(ЎзТАГ).

«Ўзбекгидрогеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси «Геолог» соғломлаштириш комплексининг директори К. К. Алимовга сингласи

Хадича АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ҳақиқат» хўжалик ҳисобидаги ёшларнинг юридик маркази жамоаси адвокат И. П. Қаюмовга отаси

Пўлат ҚАЮМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси Ядро физикаси билимгоҳи маъмурияти жамоаси ва жамоат ташкилотлари билимгоҳ директорининг ёрдамчиси

Махсум Ҳусанович ҒОЗИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари билимгоҳи ректорати, партия, касаба уюшмалари ташкилотлари ҳамда ер тузиш факультети, тупроқшунослик ва деҳқончилик кафедраси жамоаси, шу кафедранинг катта ўқитувчиси Л. Салимовага турмуш ўртоғи

Махсум Ҳусанович ҒОЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир ўринбосари Т. Н. НАЖМИДДИНОВ.

Рўзнома муҳарририяти: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ҲОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБЎТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: Муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; партия турмуши—33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда—32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт—33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт— 32-54-14, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана и Верховного Совета Узбекской ССР

ИНДЕКС 64583.

№ 276. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12